

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими.**

**Библиографик ёзув. Библиографик тавсиф
Умумий талаблар ва тузиш қоидалари**

Расмий нашир

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги

Тошкент

Сўз боши

1 Кутубхоначилик ва нашриётчилик иши соҳасида меъёрий хуқуқий актлар ишлаб чиқиши ташкиллаштирувчи маҳсус ишчи гурӯҳ томонидан ЯРАТИЛГАН ВА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН

2 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг (“Ўзстандарт” агентлиги) 2009 йил 14 апрелдаги 05-143-сон Қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА ЖОРӢЙ ҚИЛИНГАН

3 Ушбу стандарт «Система стандартов по информации, библиотечно-му и издательскому делу» тизимида ГОСТ 7.0-2003 стандартига мос тушмайди.

4 Мазкур стандарт жорӣ қилиниши билан Ўзбекистон худудида ГОСТ 7.0-2003 амал қилинишини тӯхтатади

Мазкур стандартни Ўзбекистон худудида амалда жорӣ қилиши (амал қилишини тӯхтатиш) ва унга киритилган ўзгартишилар ҳақидаги ахборот “Ўзстандарт” агентлиги томонидан нашр қилинадиган кўрсаткичда эълон қилинади.

Ушбу стандарт қайта кўрилганда ёки бекор қилинганда у ҳақидаги ахборот “Ўзстандарт” агентлиги томонидан нашр қилинадиган ахборот кўрсаткичиди эълон қилинади.

Мазкур стандартни Ўзбекистон худудида расмий нашр қилиш хуқуки “Ўзстандарт” агентлигига тегишли

Мундарижа

1	Кўлланиш соҳаси	1
2	Меъёрий ҳаволалар	1
3	Тушунчалар ва таърифлар	3
4	Умумий қоидалар.....	3
	4.1 Библиографик тавсиф.....	3
	4.2 Библиографик тавсиф обьекти.....	3
	4.3 Бир даражали ва кўп даражали библиографик тавсиф.....	4
	4.4 Библиографик тавсифнинг таркиби.....	4
	4.5 Библиографик тавсиф соҳаларининг мажбурий ва факультатив элементлари.....	4
	4.6 Тавсиф соҳалари ва элементларининг кетма-кетлиги.....	5
	4.7 Тиниш белгилари.....	5
	4.8 Библиографик тавсифнинг ахборот манбаи.....	7
	4.9 Библиографик тавсиф тили.....	8
	4.10 Библиографик тавсифдаги қисқартмалар.....	9
	4.11 Тавсифлашдаги имло меъёрлари.....	10
5	Бир даражали библиографик тавсиф.....	11
	5.1 Бир даражали библиографик тавсифнинг структураси ва таркиби.....	11
	5.2 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисида маълумотлар соҳаси.....	13
	5.3 Нашр соҳаси.....	27
	5.4 Ўзига ҳос маълумотлар соҳаси.....	28
	5.5 Чиқиш маълумотлари соҳаси.....	30
	5.6 Физикавий тавсиф соҳаси.....	35
	5.7 Сериялар соҳаси.....	37
	5.8 Изоҳлар соҳаси.....	40
	5.9 Стандарт рақами (ёки унинг муқобили) ҳамда фойдаланиш шартлари соҳаси.....	41
6	Кўп даражали библиографик тавсиф.....	43
	6.1 Кўп қисмли ҳужжатларнинг кўп даражали библиографик тавсифи.....	43
	6.2 Кўп томли ҳужжатларнинг библиографик тавсифи.....	43
	6.3 Серияли ва бошқа давомли ресурсларнинг библиографик тавсифи.....	46

7	Аналитик библиографик тавсиф.....	57
7.1	Асосий қоидалар.....	57
7.2	Хужжатнинг таркибий қисми тўғрисидаги маълумотлар.....	59
7.3	Идентификацияланувчи хужжат тўғрисидаги маълумотлар...	61
7.4	Идентификацияланувчи хужжатда таркибий қисмнинг жойлашган ўрни тўғрисидаги маълумотлар.....	64
7.5	Айрим турдаги идентификацияланувчи хужжатларнинг ўзига хос тавсифлаш хусусиятлари.....	64
7.6	Умумлаштирувчи сарлавҳа остида нашр қилинган таркибий қисмлар.....	67
7.7	Тақризлар ва рефератларнинг библиографик тавсифи.....	68
	Илова А (маълумотнома тариқасида).....	69
	Илова В (маълумотнома тариқасида).....	81

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика ахолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил қилиш тўғрисида”ги Қароридан кейин ахборот-кутубхоначилик соҳасида ўтказилган ислоҳотлар ахборот-кутубхона муассасалари иш фаолиятини белгиловчи миллий стандартларни ишлаб чиқишига, қабул қилишига ва амалга ошириш бўйича харакатларга туртки бўлди.

“Библиографик ёзув. Библиографик тавсиф. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари” миллий стандарти миллий манфаатларни ифодалайдиган ҳамда ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналар, илмий-техника ахбороти органлари, нашриётлар ва бошқалар ҳамкорлигини таъминлайдиган ахборотга ишлов бериш билан боғлиқ муассасаларнинг ахборотга доир вазифалари умумийлиги асосида республикада ахборот-кутубхона, илмий ва нашриётчилик фаолиятини мувофиқлаштиришни, меъёрий ва услубий раҳбарликни таъминлайди.

“Библиографик ёзув. Библиографик тавсиф. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари” стандарти энг муҳим, пойдевор стандарт ҳисобланиб, СИБИД тизимининг электрон хужжатларни каталогглаштириш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган кўплаб стандартлари, жумладан ҳалқаро MARC форматлари ҳам унга далил, манба сифатида қарайдилар.

Миллий стандартнинг мазмуни етакчи мутахассислар таклифларига мумкин қадар мос келади. Ундан ташқари стандартни ишлашда энди кутубхоначиликнинг эмас, балки ахборот-кутубхоначилик фаолияти ривожланишининг миллий хусусиятлари ҳисобга олинган.

Ишланган “Библиографик ёзув. Библиографик тавсиф. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари” стандарти миллий нашрларни каталогглаштириш бўйича тўлиқ тушунча беради, унда ҳалқаро тажрибаларни, янги атамаларни қўллашни ҳисобга олган ҳолда стандартнинг 4.5.2, 4.10, 4.10.1, 4.10.2, 5.2.3.2, 5.2.4.3, 5.2.6.9, 5.2.7.2.6, 5.5.2.1, 5.5.2.2, 6.3.2.1, 7.1.6 бўлимларига аниқлик, қўшимчалар ва ўзгартиришларкиритилди.

Библиографияловчи ташкилотнинг алоҳида ҳуқуқи бўлган айrim ўринлар ушбу стандарт билан қатъий белгиланиб берилди. Масалан, республика ахборот-кутубхона муассасаларида йиғма электрон каталогни яратиш ва каталогглаштириш жаораёнларини автоматлаштиришда идентификация қилинаётган хужжат характеристикиси тўғрисида маълумотларни келтиришда, сўз ва сўз биркималарининг қисқартмаларида бихилликка риоя қилинди.

Ушбу стандартга “В” илова “Библиографик ёзувларда қисқартмаларнинг қўлланилиши” ишлаб чиқилиб киритилди. Унда ISBD га асосланган библиографик тавсифларда қисқартмаларни қўллашга янгича ёндашиш баён қилинган, қисқартириш рухсат этилган сўзларнинг рўйхати ва қисқартиришга рухсат этиладиган тавсиф соҳалари бу сўзларни қисқартириш шакллари берилган.

Ушбу стандартнинг “А” иловасига давлатлараро стандартдан олинган намуналар билан бир қаторда, биздагига айнан ўхшаш миллий хужжатларнинг йўқлиги туфайли, хужжатларнинг библиографик тавсифидаги хилма-ҳиллик тўғрисида ахборот бериш учун миллий нашрлар (сериял нашрлар, электрон ресурсларнинг алоҳида турлари, патент материаллари ва бошқ.)нинг библиографик тавсифи намуналари киритилди

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича

стандартлар тизими

БИБЛИОГРАФИК ЁЗУВ. БИБЛИОГРАФИК ТАВСИФ.

Умумий талаблар ва тузиш қоидалари*

**Система стандартов по информации, библиотечному
и издательскому делу**

БИБЛИОГРАФИЧЕСКАЯ ЗАПИСЬ. БИБЛИОГРАФИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ.

Общие требования и правила составления

System of standards on information, librarianship and publishing.

Bibliographic record. Bibliographic description.

General requirements and rules

Жорий этиш санаси 2009-04-20

2019-04-20

1 Қўлланиёш соҳаси

Ушбу стандарт хужжат, унинг қисми ёки хужжатлар гурухига библиографик тавсиф тузиш: библиографик тавсифнинг соҳалари ва элементларини, уларни жойлаштириш кетма-кетлигини, қисмларини тўлдириш ва бериш йўлларини, тиниш белгиларини қўйиш ва қисқартиришларни кўллаш қоидалари ва уларга умумий талабларни белгилайди.

Стандарт ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналар, илмий-техника ахбороти органлари, давлат библиографияси марказлари, ноширлар, библиографиялаш билан шуғулланувчи бошқа муассасаларда хужжатларни тавсифлашга жорий этилади.

Стандарт библиографик йўналтиришларга қўлланилмайди.

2 Меъёрий ҳаволалар

Ушбу стандартда қуидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилди:

(Олиб ташланди, 1-сон ўзгар.)

ГОСТ 7.4-95. Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар. Чиқиш маълумотлари.

* 1-сон ўзгариш билан, «Ўзстандарт» агентлигининг 2013 йил 26 ноябрдаги 05-501-сон карори билан тасдиқланган

ГОСТ 7.5-98. Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Журналлар, тўпламлар, ахборот нашрлари. Босиладиган материалларнинг нашриётчилик безаги.

ГОСТ 7.9-95. Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Реферат ва аннотация. Умумий талаблар.

ГОСТ 7.11-78. Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Библиографик тавсифда ҳорижий Европа тилларидағи сўз ва сўз биримларини қисқартириш.

ГОСТ 7.12.-93. Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Библиографик ёзув. Рус тилидаги сўзларни қисқартириш. Умумий талаблар ва қоидалар.

ГОСТ 7.59-2003. Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ҳужжатларни индекслаш. Системалаштириш ва предметлашга умумий талаблар.

ГОСТ 7.76-96. Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ҳужжатлар фондини тўлдириш. Библиографиялаш. Каталоглаштириш. Тушунчалар ва таърифлар.

ГОСТ 7.80-2000. Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Библиографик ёзув. Сарлавҳа. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари.

(Олиб ташланди, 1-сон ўзгар.)

(Олиб ташланди, 1-сон ўзгар.)

O'z DSt 1214:2009 Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот-кутубхона фаолияти, библиография. Атамалар ва таърифлар

(Кўшимча киритилган, 1-сон ўзгар.)

O'z DSt 2310:2011 Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Электрон нашрлар. Асосий турлари ва чиқувчи маълумотлар

Кўшимча киритилган, 1-сон ўзгар.)

O'z DSt 2312:2011 Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Библиографик ёзув. Электрон кўринишдаги ахборот кутубхонв ресурсларининг библиографик тавсифи. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари

Кўшимча киритилган, 1-сон ўзгар.)

Изоҳ: Ушбу стандартдан фойдаланишда ҳавола стандартлар ва (классификаторларнинг) кўлланишини жорий йилнинг 1 январ ҳолати бўйича тузилган стандартларнинг тегишли кўрсаткичи бўйича ҳамда давлат ҳудудида амалда кўлланилаётган ва жорий йилда нашр қилинган тегишли ахборот кўрсаткичлари бўйича текшириш мақсадга мувофиқдир. Агар ҳавола ҳужжати алмаштирилган (ўзгарилилган) бўлса, у ҳолда ушбу стандартдан фойдаланишда алмаштирилган (ўзгарилилган) стандартга амал қилиш лозим. Агар ҳавола материали бошқаси билан алмаштирилмай бекор қилинса, у ҳолда ҳавола берилган холат (унга берилган) бу ҳаволага тегишли бўлмаган қисмига нисбатан қўлланади.

3 Тушунчалар ва търифлар

Ушбу стандартда ГОСТ 7.76, О‘з DSt 1214, О‘з DSt 2310 лар бўйича терминлар қўлланилган.

(Ўзгартирилган таҳрир, 1-сон ўзгар.)

4 Умумий қоидалар

4.1 Библиографик тавсиф ҳужжатни умумий тавсифлаш ва идентификациялаш (аслига таққослаш) учун мўлжалланган, ҳамда соҳалар ҳамда элементларнинг кетма-кетлик тартибини ва тўлдирилишини маълум қоида бўйича белгиловчи ҳужжат ҳақидаги библиографик маълумотлардан иборат.

Библиографик тавсиф библиографик ёзувнинг асосий қисмиdir. Библиографик ёзув, шунингдек, сарлавҳа, классификация индекслари ва предмет тушунчалари (предмет руқнлари), аннотация (реферат), ҳужжатнинг сакланиш жойи кўрсатилган шифри, кўшимча библиографик ёзувлар ҳақидаги маълумот, ҳужжатга ишлов беришнинг тугалланган вақти ва хизматга оид маълумотларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Библиографик ёзув сарлавҳасининг тузилиши ГОСТ 7.80, классификация индекси ва предмет руқнларининг тузилиши – ГОСТ 7.59, Аннотация (реферат) ГОСТ 7.9 бўйича тузилади.

4.2 Ҳар қандай ахборот ташувчилардаги нашр қилинган (шу жумладан депонирланган) ва нашр этилмаган ҳужжатлар – китоблар, серияли ва бошқа давомли ресурслар, нотали, картографик, аудиовизуал, тасвирий, меъёрий ва техник ҳужжатлар, микрошакллар, электрон ресурслар, бошқа уч ўлчовли сунъий ва табиий объектлар; ҳужжатларнинг элементлари; бир хил ва турли хилдаги ҳужжатлар гуруҳлари библиографик тавсифни тузиш объектлари хисобланади.

4.2.1 Қисмлар сони бўйича тавсиф объектлари бир қисмдан иборат (бир қисмли объектлар) тавсиф объектлари ва икки ва ундан кўп қисмдан иборат (кўп қисмли объектлар) тавсиф объектлари ажратилади.

Бир қисмли объект – бир физик ташувчидаги бир ҳужжат ёки кўп қисмли ҳужжатнинг алоҳида бўлаги: 1 томли ҳужжат ёки кўп томли ҳужжатнинг алоҳида бир бўлаги; тўплам, серияли ҳужжат, ёки бошқа давомли ресурснинг алоҳида элементидир.

Кўп қисмли обьект – бир хил ёки турли физик ташувчидағи алоҳида моддий қисмларнинг йиғиндинсини берадиган ҳужжат – кўп томли ҳужжат, тўплам ҳужжат, серияли ёки бошқа давомли ресурсдир.

4.2.2 Объект бир қисмли ҳужжатнинг элементи ёки кўп қисмли ҳужжатнинг бўлими бўлиши ҳам мумкин.

4.3 Тавсифнинг тузилишига боғлиқ ҳолда бир даражали ва кўп даражали библиографик тавсифлар ажратилади.

4.3.1 Бир даражали тавсиф бир даражадан иборат бўлади. У бир қисмли ҳужжатга, умуман тугалланган кўп қисмли ҳужжатга, алоҳида физик бўлакка, шунингдек, кўп қисмли ҳужжатнинг физик бўлаклари гурухига тузилади.

4.3.2 Кўп даражали тавсиф икки ёки ундан ортиқ даражадан иборат бўлади. У кўп қисмли ҳужжат (кўп томли ёки умуман ҳужжат тўплами, умуман серияли ёки бошқа давомли ресурс)га ёки алоҳида физик бўлакга, шунингдек, кўп қисмли ҳужжатнинг физик бўлаклари гурухига - кўп томли, тўплам ҳужжатнинг, серияли ёки бошқа давомли ресурснинг бир ёки бир неча томига (қисмига, сонларига, чиқиш сонларига) тузилади.

4.4 Библиографик тавсиф таркибига қуйидаги соҳалар киради:

- 1 - сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси;
- 2 - нашр соҳаси;
- 3- ҳужжатнинг ўзига хос маълумотлар соҳаси;
- 4 - чиқиш маълумотлари соҳаси;
- 5 - физик характеристика соҳаси;
- 6 - серия соҳаси;
- 7 - изоҳлар соҳаси;
- 8 - стандарт рақами (ёки унинг муқобили) ва фойдаланиш шартлари соҳаси.

4.5 Тавсиф соҳалари мажбурий ва факультатив (ихтиёрий)га бўлинадиган элементлардан ташкил топади. Тавсифда фақат мажбурий элементлар ёки мажбурий ва факультатив (ихтиёрий) элементлар бўлиши мумкин.

4.5.1 Мажбурий элементлар ҳужжат идентификациясини таъминловчи библиографик маълумотлардан иборат бўлади. Улар ҳар қандай тавсифда келтирилади.

Агарда мажбурий элемент иблиографик қўлланмага киритилган тавсифлар учун умумий бўлиб, библиографик қўлланма сарлавҳасига ёки унинг бўлимига чиқарилган бўлса, у

ҳолда қоидага кўра ҳар бир тавсифда такрорланмайди (масалан, бир муаллифнинг асарлари кўрсаткичидаги муаллифнинг номи, нашриёт каталогидаги ноширнинг номи, асарларнинг хронологик рўйхатида нашр вақти ва х.к.).

4.5.2 Ёрдамчи (ихтиёрий) элементлар ҳужжат тўғрисида қўшимча ахборот берувчи библиографик маълумотларни ўз ичига олади. Факультатив (ихтиёрий) элементларни йиғишни библиографик тавсифни тузадиган муассаса белгилайди. У маълум ахборот оқими учун доимий бўлиши лозим.

Давлат библиографияси марказлари ва йирик универсал илмий кутубхоналарнинг давлат библиографик кўрсаткичлари, кутубхона каталоглари (карточкини ва электрон шаклларда), маълумотлар базаси тавсифларида факультатив элементлар юқори тўлиқлик билан келтирилди.

4.6 Соҳалар ва элементлар 5. бўлимдаги рўйхатда кўрсатилганидек белгиланган кетма-кетлика берилади. Алоҳида соҳалар ва элементлар такрорланиши мумкин. Турли элементларга тегишли, аммо бир гапда грамматик боғланган библиографик маълумотлар олдинги элементда ёзилади.

Соҳалар ва элементларни библиографик маълумотлар билан тўлдириш ва уларга олдинги ўрнатилган тиниш белгиларни келтириш қоидалари ҳужжатнинг туридан ва маълумот қандай ахборот ташувчида жойлашганлигидан қатъий назар библиографик тавсифнинг барча объектлари учун умумий хисобланади.

Ҳужжатларнинг алоҳида турлари (тавсифий аудиовизуал, картографик,nota ҳужжатлари, серияли ва бошқа давомли ресурслар, меъёрий ва техник ҳужжатларнинг алоҳида турлари ва х.к.) ни тавсифлаш учун ахборотнинг ўзига хос хусусияти, унинг физик ташувчиси, нашр хили ва ушбу ҳужжат тури учун хос бўлган бошқа маълумотлар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган маҳсус элементлар ва ўзига хос маълумотлар соҳаси кўзда тутилган.

4.7 Библиографик тавсифда тиниш белгилари икки вазифани – оддий грамматик тиниш белгилари ва олдиндан белгиланган тиниш белгилари, яъни библиографик тавсиф соҳалари ва элементлари учун танитувчи хусусиятга эга бўлган белгилар вазифасини бажаради, белгиланган тиниш белгилари (шартли ажратиш белгилари) турли тилларда нашр қилинган анъанавий ва машинада ўқиладиган каталогглаштириш шаклларида ёзувлар – босма карточка, библиографик кўрсаткичларда, рўйхатларда, компьютер монитори экранидаги ва х.к.лардаги тавсифнинг алоҳида элементларини фарқлашга ёрдам беради.

4.7.1 Белгиланган тиниш белгилари соҳалар ва элементлар олдида ёки уларнинг охирда берилади. Уларнинг қўлланилиши тил меъёри билан боғлиқ эмас.

Тиниш белгилари ва математик белгилар белгиланган тиниш белгилари сифатида келади:

- нуқта ва тире;
- . нуқта;
- , вергул;
- : икки нуқта;
- ; нуқта вергул билан;
- ... кўп нуқта;
- / қия чизик;
- // икки қия чизик;
- () думалоқ қавслар;
- [] квадрат қавслар;
- + қўшув белгиси;
- = тенглик белгиси.

Библиографик тавсиф охирида нуқта қўйилади.

4.7.2 Тавсифнинг биринчи соҳасидан ташқари ҳар бир соҳасидан олдин шу соҳадаги биринчи бўғиндан олдин нуқта ва тире қўйилади. Агарда биринчи элемент бўлмаса, нуқта ва тире белгиси кейинги элемент олдидан қўйилади ва бу ҳолда олдинги соҳа учун белгиланган белги тушириб қолдирилади. Соҳа белгиларидан кейин ҳам сақланиб колинадиган думалоқ ва квадрат қавс белгилари бундан мустасно.

4.7.3 Ўзига хос маълумотлар соҳаси такрорланганда изоҳлар соҳаси ва халқаро стандарт рақами соҳаси соҳа белгиси – нуқта ва тирени такрорлайди, серия соҳаси такрорланганда эса ҳар бир серия тўғрисидаги маълумот алоҳида думалоқ қавсни улар орасига нуқта ва тире қўйилмаган ҳолда ўз ичига олади.

4.7.4 Тавсиф соҳалари турли ҳарфлар ва рақамлар билан ажратилиши ёки янги сатрдан ёзилиши мумкин. Бу ҳолда нуқта ва тире олдинги соҳа охирида қўйилган нуқта билан алмаштирилади.

4.7.5. Соҳалар ва элементларни янада аниқ ажратиш учун, шунингдек, белгиланган ва грамматик тиниш белгиларини фарқлаш учун белгиланган белгигача ва ундан кейин бир босма белги жойига teng очиқ жой – оралиқ қўйилади. Нуқта ва вергул бундан мустасно - очиқ жой фақат улардан кейин қолдирилади.

4.7.6 Думалоқ ва квадрат қавслар оралиқ жойдан олдин ва кейин келадиган ягона белги сифатида қаралиб, оралиқ биринчи (очилган) қавсдан олдин ва иккинчи (ёпилган) қавсдан кейин жойлашади.

4.7.7 Ҳар бир элемент тиниш белгиларини қўйиш олдинги белги билан келади. Агар элемент (соҳанинг биринчи элемент бошқаси) такрорланса, белгиланган тиниш белгиларини қўйишида олдинги белги такрорланади, қия чизик бундан мустасно. Агар соҳа тавсифда берилмаса, у ҳолда ундан олдинги белги ҳам тушириб қолдирилади.

Бир гапда грамматик боғланган элементлар тиниш белгилари билан ажратилмайди.

4.7.8 Элементнинг қисмлари зарур ҳолларда тушириб қолдириши мумкин. Элемент қисмларининг тушириб қолдирилиши тушириб қолиш белгиси – белгигача ва ундан кейин бўш жой билан кўп нуқта қўйиш орқали белгиланади. Умуман соҳа ёки элементнинг тушириб қолдирилиши кўп нуқта билан белгиланмайди.

4.7.9 Агар бир соҳа ичидаги ёнма-ён жойлашган элементлар квадрат қавс ичida берилиши зарур бўлса, у ҳолда улар умумий квадрат қавс ичига олинади. Ҳар доим алоҳида квадрат қавс ичига олинадиган материалнинг умумий белгиланиши бундан мустасно. Агарда ўзаро боғланган элементлар турли соҳаларга тааллуқли бўлса, у ҳолда ҳар бир элемент алоҳида квадрат қавс ичига олинади.

4.7.10 Элементлар ичida тавсиф тузилган тил меъёрларига жавоб берадиган тиниш белгилари сақлаб қолинади. Агар элемент тугалланган гапни ташкил этувчи бир неча сўз ва жумладан тузилган бўлса, ҳужжатда кўрсатилган тиниш белгилари билан берилади. Агар сўзлар ёки жумлалар орасида тиниш белгилари бўлмаса, у ҳолда у белгилар тавсифнинг аник элементларини бериш қоидаларига, шунингдек, грамматика қоидаларига мувофиқ равишда қўйилади (5 бўлимга қаралсин).

4.7.11 Грамматик ва белгиланган тиниш белгилари бирга келганда тавсифда ҳар икки белги берилади. Агар элемент нуқта билан ёки қисқартма сўз охирида нуқта билан тугалланса, кейинги элементнинг белгиланган тиниш белгиси нуқта ёки нуқта ва тире бўлса, у ҳолда кейинги элементнинг белгиланган тиниш белгисига тегишли нуқта тушириб қолдирилади. Тавсифда математик, химик ва бошқа белгилар қайта тикланади.

Тавсифнинг алоҳида элементларида белгиланган ва грамматик тиниш белгиларини қўйиш қоидаси 5 бўлимга қаралсин.

4.8 Библиографик тавсиф ни тузища ахборот манбаи бўлиб яхлит ҳужжат хизмат қилади. Зарур ҳолларда тавсифда ҳужжатда бўлмаган манбалардан олинган маълумотлар келтирилиши мумкин. Ахборот манбаи ягона ёки бир талай бўлиши мумкин.

4.8.1 Ҳужжатнинг асосий чиқиши маълумотлари ва унга ўхшаш маълумотга эга бўлган қисми - титул вараги, титул экранни, этикетка ва ёпиширилган қофоз ва х.к. ГОСТ 7.4, ГОСТ 7.5, O'z DSt 2310 бўйича ахборотнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ҳужжатларнинг ҳар бир тури учун ахборотнинг бош манбаи белгиланган.

(Ўзгартирилган таҳрир, 1-сон ўзгар.)

Агар ахборотнинг бош манбаи бўлмаса (масалан, аудиовизуал ҳужжатга этикетка) ёки фойдаланиш учун тушунарли бўлмаса (масалан, электрон ресурснинг титул экранни), у ҳолда асосийга ўхшаш ахборот манбаи танланади. Бунда, биринчи навбатда ҳужжатнинг қисми бўлган манбадан фойдаланилади, сўнгра – ҳужжатга илова қилинган манбалар: контейнердаги маълумот, ношир, тайёрловчи, тарқатувчи ва х.к. томонидан босилган илова материалларидан фойдаланилади.

Агар бир нечта манбадан фойдаланилса, уларнинг мажмуаси ягона бош манба сифатида қаралади.

4.8.2 Агар зарур ахборотни асосий манбадан ёки ҳужжатга илова қилинган манбадан олиб бўлмаса, ҳужжатдан ташқари манбалардан фойдаланилади. Маълумотлар ҳужжатга (кутубхоналар, музейлар ва х.к.лар каталоглари, библиографик кўрсаткичлар ва маълумотлар базалари); ҳужжатдан ташқари бошқа манбаларга (масалан, справка нашрлари, авторитет файллари, метамаълумотлар) нашр қилинган библиографик ёзувлардан олиниши мумкин.

4.8.3 Тавсифда библиографик маълумотлар ахборот манбаида қандай берилган бўлса, шу ҳолда кўрсатилади. Етишмайдиган аниқловчи маълумотлар, шунингдек, бутунлай мавжуд бўлмаган зарур маълумотлар ҳужжат (босма нашрлар учун йўқолган титул вараклар, номсиз географик ҳариталар, қайта ишланмаган овозли ёзувлар ва х.к) ни таҳлил қилиш асосида тавсифланади.

Ҳужжатни таҳлил қилиш асосида тузилган, шунингдек, ҳужжатдан бошқа манбадан олинган маълумотлар изоҳлар соҳасидан бошқа библиографик тавсифнинг барча соҳаларида квадрат қавсда берилади.

4.8.4 Ҳужжатнинг аниқ турлари тавсифининг ҳар бир соҳаси учун бир ёки бир нечта (масалан, сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси учун китобга титул вараги, газеталар учун биринчи ва охирги бетлари белгиланган ахборот манбаи ҳисобланади) белгиланган (асосий) ахборот манбаи ўрнатилган.

Турли манбалардаги бир турдаги маълумотларни фарқлашда белгиланган ахборот манбаидан олинган библиографик маълумотлар афзал бўлади.

Белгиланган ахборот манбаи бўлмаса, тўлиқ ахборот бўлган манба олинади.

Белгиланган ахборот манбаидан бошқа манбадан олинган маълумот квадрат қавсда келтирилади.

4.9 Библиографик тавсифнинг тили, қоидага кўра, хужжатнинг чиқиши маълумотлари тилига мувофиқ бўлади. Тавсифдаги алоҳида элементлар библиографиялаётган муассасанинг тилида берилиши мумкин.

4.9.1 Яхлит библиографик тавсиф ёки унинг алоҳида элементлари бошқа тил графи-касига транскрипция, транслитерацияда келтирилиши ёки бошқа тил таржимасида берилиши мумкин.

Мувофиқ тилларга транслитерация қилиш халқаро ва миллий стандартларга биноан қилинади.

4.9.2 Агар ахборот манбаидаги матнлар ва чиқиши маълумотлари орасида библиографиялаётган муассаса жойлашган мамлакатнинг расмий тили (тиллари)даги матн ва барча чиқиши маълумотлари бўлса, библиографик тавсиф тили сифатида шу тил (тиллар) танланади.

4.9.3 Агар хужжатдаги чиқиши маълумотлари барча тилларда тўлиқ бўлмаса, энг тўлиқ маълумот берилган тил танланади.

4.10 Библиографик тавсиф тузишда унинг ихчамлигини таъминлаш мақсадида сўзлар ва сўз бирикмаларини қисқартириш, элементнинг қисмини тушириб қолдириш, турли ёзувларни бир библиографик ёзувга бирлаштириш ва бошқа қисқартириш усувлари ва йўлларини қўллаш мумкин.

Агар библиографиялаётган муассаса тавсифда алоҳида сўз ва сўз бирикмаларини қисқартиришга қарор қиласа, у ҳолда бу қисқартириш ГОСТ 7.11. ва ГОСТ 7.12га мувофиқ бўлиши лозим.

Сўзларни қисқартиришнинг муҳим шарти уларни тушунишдаги бир маънолилик ва қисқартирилган сўзларни тушуниб ўқилишини таъминлашdir. Қисқартирилган сўз тавсиф матни маъносини англаб бўлмайдиган даражада бузиб юбориши, уни тушунишни қийинлаштириши мумкин бўлган ҳолларда сўзлар қисқартирилмайди.

4.10.1 Қисқартиришлар библиографик тавсифнинг барча соҳаларида қўлланилади. Ҳар қандай соҳадаги ҳар қандай сарлавҳа (ахборот манбанинг ўзида қисқартириш мавжуд ҳолдан бошқа) лар ва материалнинг умумий маъносини англатадиган белгилар қисқартирилмайди. Аналитик библиографик тавсиф бундан мустаснодир (7.3.3 бандга қаралсин).

Агар манбада қисқартириш ГОСТ 7.12. да белгилангандан анча қисқа берилган бўлса, тавсифда у шу ҳолича берилади.

4.10.2 Қисқартмаларнинг алоҳида ҳолатларда қўлланиладиган бирхиллаштирилган шакллари ўзбек, рус ёки лотин тилида берилади:

<i>ўзбек</i>	<i>рус</i>	<i>лотин</i>
<i>ва боиқалар - ва боиқ.</i>	<i>и другие- и др.</i>	<i>et alii - et al</i>
<i>ва ҳоказолар - ва ҳ.к.</i>	<i>и так далее – и т. д.</i>	<i>et cetera - etc.</i>
<i>ёки (яъни)</i>	<i>то есть - т. е.</i>	<i>id est - i. e.</i>
<i>нашр жойисиз - н.ж-сиз.</i>	<i>без места – б. м.</i>	<i>sine loco - s. l.</i>
<i>Ноширсиз - н-рсиз</i>	<i>без издателя – б. и.</i>	<i>sine nomine - s. n.</i>
<i>алоҳида пагинация - алоҳ.паг.</i>	<i>раздельная пагинация – разд. паг.</i>	<i>pagina varia - pag. var.</i>

Зарур ҳолларда уларнинг бошқа тиллардаги эквиваленти келтирилади.

4.10.3 Алоҳида ҳолларда, масалан, жуда узун сарлавҳани ёзишда мазмунини бузмайдиган бўлса алоҳида сўзлар, жумлалар тушириб қолдирилиши каби кисқартириш усули қўлланилиши мумкин.

4.10.4 Ахборот манбаида мавжуд айрим маълумотлар, масалан, орденлар номи, фахрий, ҳарбий ва илмий унвонлар, ташкилотнинг ҳақ-хуқуқини кўрсатадиган тушунчалар, маъқуллаш, ижозат ва ҳоказолар тўғрисидаги маълумотлар библиографик тавсифда берилмаслиги ва уларнинг тушириб қолдирилганини кўрсатмаслик мумкин.

4.11 Библиографик тавсиф тузишда ҳозирги замон имло қоидалари меъёрларига риоя қилинади. Қадимги (XVI-XVIII асрлар) ёки қадимгиларга ўхшатиб ёзилган ҳужжатлар, имлода давр тилининг хусусияти акс этган, шунингдек, қадимгиларга ўхшатиб ёзилган ҳозирги давр ташкилотлари номи ва ҳужжатлар сарлавҳалари бундан мустасно.

4.11.1 Бош харфлар ахборот манбаида қандай харфлар қўлланилганидан қатъий назар библиографик тавсиф тузилган тилнинг ҳозирги давр грамматикаси қоидаларига мувофиқ ҳолда ишлатилади. Ҳар бир соҳанинг биринчи сўзи, шунингдек, қуйидаги элементларнинг: материалнинг ва тавсифнинг барча соҳаларидаги ҳар қандай сарлавҳанинг умумий ифодаланиши бош харф билан бошланади. Қолган барча қисмлар кичик харфлар билан ёзилади.

Ҳозирги ташкилотларнинг расмий номланиши ва бошқа шахсий номларда бош ва кичик харфларни қўллаш сақланади.

4.11.2 Ахборот манбаида матннинг мазмунини бузмайдиган аниқ хатолар ва матбаа хатолари бўлса, библиографик тавсифда маълумотлар тузатилган ҳолда ва тузатиш изоҳланмай берилади. Тушириб қолдирилган харфлар ёки рақамларни квадрат қавс ичига олган ҳолда қўйиш мумкин.

Матн мазмунини ўзгартирадиган хатолар ва матбаа хатолари, шунингдек, ҳужжатни яратишида иштирок этган шахсларнинг фамилиялари, исми-шарифларидағи ҳамма хатолар

библиографик тавсифда ўзгаришсиз келтирилади, халқаро стандарт рақами бундан мустасно (5.9.3. га қаралсин). Улардан сўнг квадрат қавсда «ёки» сўзи билан тўғри ёзилиши ёки унинг лотин тилидаги - “i.e.” эквиваленти берилади.

Шубҳа туғдирувчи маълумотлар тавсифда квадарт қавс ичига олинган сўроқ белгиси билан берилади.

4.11.3 Оммабоп воситалар билан тавсифлаш мумкин бўлмаган рамзлар ва бошқа белгилар (бу харф ҳам, рақам ҳам эмас) уларнинг харф ёки сўз шаклидаги эквиваленти квадрат қавсга олинган ҳолда алмаштирилади.

4.11.4. Сонлар ахборот манбаида қандай берилган, яъни рим ёки араб рақамлари ёки сўз билан берилган бўлса, библиографик тавсифда ҳам кейинги қоидаларни ҳисобга олган ҳолда шу ҳолатда берилади.

4.11.4.1 Сўз орқали ифодаланган рим рақамлари ва сонлар сахна асарларидағи кўриниш ва пардалар, ўкув муассасаларида синвлар ёки курслар сонини; сайёҳлик йўналишлари рақамини; нашрларнинг тартиб рақамларини; мусиқий асарларнинг тартиб рақамларини; асарнинг рақамларини; овозлар, чолғу асбоблари сонини; ҳужжатнинг чиқиши, тарқатилиш вақти ёки йили; рақамлашга нисбатан микдор характеристикаси соҳасидаги маълумотлар; кўп томли, серияли ёки бошқа давомли ресурснинг сонларини кўрсатишда араб рақамлари билан алмаштирилади.

4.11.4.2 Саноқ сонлари араб рақамлари билан ифодаланади. Тартиб сонлари, одатда, тил грамматикаси қоидалари бўйича охирига тартиб қоидасига ифодавий қўшимча уланган ҳолда келтирилади. Агарда тартиб сонларининг тугаллаш бўғинини белгилаб бўлмаса, уни нукта билан алмаштириш мумкин. Агар асосий сўз (том, бўлим ва х.к.) лар тартиб рақамидан олдин келса томлар, бўлимлар, сахифалар, синвлар, курсларнинг тартиб рақами қўшимчасиз берилади.

5 Бир даражали библиографик тавсиф

5.1 Бир даражали библиографик тавсифнинг таркиби ва тузилиши

Бир даражали библиографик тавсиф белгиланган кетма-кетликда ва белгиланган тиниш белгиларини қўйган ҳолда бериладиган мажбурий ва факультатив (ихтиёрий) соҳалар ва элементлардан ташкил топади.

Куйидаги рўйхатда факультатив элементлар курсив ҳарфлар билан ажратилган. Рўйхатда соҳанинг тайинланган белгилари кўрсатилмаган. Юлдузча билан белгиланган элементлар ва ундан олдинги белгилар тавсифда тақрорланиши мумкин. Соҳаларнинг тақрорланиши мумкинлиги тўғрисида тегишли бўлимларга қаралсин.

Библиографик тавсиф соҳалари ва элементларининг рўйхати

Сарлавҳа соҳаси ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар	Асосий сарлавҳа [] Материалнинг умумий ифодаланиши * = Параллел сарлавҳа * : Сарлавҳага тегишли маълумотлар Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар / Биринчи маълумотлар * ; Кейинги маълумотлар
Нашр соҳаси	Нашр тўғрисидаги маълумотлар * = Нашр тўғрисидаги параллел маълумотлар Нашрга тегишли жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар / Биринчи маълумотлар * ; Кейинги маълумотлар *, Нашр тўғрисидаги қўшимча маълумотлар Нашр тўғрисидаги қўшимча маълумотларга тегишли жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар / Биринчи маълумотлар * ; Кейинги маълумотлар
Ўзига хос маълумотлар соҳаси	
Чиқиш маълумотлари соҳаси	Нашр жойи, тарқатилиши Биринчи чиқиш жойи * ; Кейинги чиқиш жойи * : Ношир, тарқатувчи ва ҳ.к.лар номлари [] Ношир, тарқатувчи вазифалари тўғрисидаги маълумотлар , Нашрнинг чоп этиш, тарқптилиш ва ҳ.к.лар санаси * (Ишлаб чиқариш жойи * : Ишлаб чиқарувчининг номи

,) Ишлаб чиқариш санаси

Физик характеристика соҳаси

Материалнинг ўзига хос соҳаси,
белгиланиши ва ҳажми

: Физик характеристикинга тўғрисидаги
бошқа маълумотлар

; Ўлчамлари

* + Илова материали тўғрисидаги
маълумотлар

(Серия ва серия остининг асосий
сарлавҳаси

* = Серия ёки серия остининг параллел
сарлавҳаси

* : Серия ёки серия ости сарлавҳасига
тегишли маълумотлар

Серия ёки серия остига тегишли жа-
вобарлик тўғрисидаги маълумотлар

/ Биринчи маълумотлар

* ; Кейинги маълумотлар

, Сериал нашрнинг ушбу серия ёки серия
остига берилган халқаро
стандартлашган рақами (ISSN)

;) Серия ёки серия ости нашрнинг чиқиш
сони

Изоҳлар соҳаси

Стандартлашган рақам (ёки унинг
муқобили) ва фойдаланиш шартлари
соҳаси

Стандартлашган рақам (ёки унинг
муқобили)

= Асосий сарлавҳа

* : Фойдаланиш шартлари ва (ёки) нархи

() Соҳа элементларига қўшимча
маълумотлар

5.2 Сарлавҳа соҳаси ва жавобарлик тўғрисидаги маълумотлар

5.2.1 Соҳа тавсиф обьектининг асосий сарлавҳаси, материалнинг умумий белгиси,
бошқа сарлавҳалар (альтернатив, параллел, бошқа), сарлавҳага тегишли маълумотлар ва

тавсиф объекти ҳисобланган асарни яратиш учун жавобгар шахслар ва (ёки) ташкилотлар тўғрисида маълумотни ўз ичига олади.

5.2.2 Асосий сарлавҳа

5.2.2.1 Асосий сарлавҳа ахборот манбаида қандай берилган бўлса, ўша кетма-кетлиқда ва белгилари билан келтирилади. У бир ёки бир неча гапдан иборат бўлиши мумкин:

Интернетдан фойдаланувчининг энциклопедияси

Хаётнинг 4048 қонуни

Пул, кредит, банклар

...Инсон бўлишини унумтиб қўймаслик

«Nautilus Pompilius» гурӯҳи қўшиқлари

BMB

Тарбиями? Тарбия... Тарбия!

Ўзбекистон ислоҳотлар йўлида: XXI аср – камо грядеши?

Агарда асосий сарлавҳа ахборот манбаида ўртасида тиниш белгилари бўлмаган бир неча гапдан иборат бўлса, тавсифда бу гаплар бир-биридан нуқта билан ажратилади:

Жаҳон географияси. Материклар. Давлатлар. Халқлар

Қадимги Руснинг китоб марказлари. Соловецк монастири

Narko Net. Ўзбекистон гиёҳвандсиз.

Асосий сарлавҳага кирувчи гаплар бир неча мавзулар, бўлимларнинг номи бўлиши ва умуман мавзунинг ва унинг аниқ бир бўлими номи бўлиши мумкин:

*Техника воситаларини мослашуви. Электр озуқа тебранишларга
электромагнит чидамлилиги*

Петербург. Адабий ҳаёт

5.2.2.2 Асосий сарлавҳа мавзувий ёки намунавий бўлиши (яъни, хужжатнинг хилини турини белгилашдан иборат бўлиши) мумкин:

Уруши ва тинчлик

Самарқанднинг автомобил йуллари картаси

Скрипкачилар ансамбли

Виртуал концерт

Маърузалар

Атлас

Йўл кўрсаткичи

Асарлар

Электрон журнал

5.2.2.3 Асосий сарлавҳа «ёки» боғловчиси билан бирлаштирилган ва бош харфлар билан ёзилган альтернатив сарлавҳага эга бўлиши мумкин. «Ёки» боғловчиси олдига вергул қўйилади:

Классикларда тушунарли бўлмаган, ёки русларнинг турмуши тарзи

Шодлик фани, ёки руҳшунос қабулига қандай қилиб кирмаслик мумкин

5.2.2.4 Агар асосий сарлавҳа тавсифнинг мустақил элементи ҳисобланган маълумотнинг грамматик ажралмас қисмини ўз ичига олса, тавсифда у шу маълумотлар билан бирга берилади ва кейинчалик тавсифда бу маълумотлар такрорланмайди:

Сальвадор Далининг ўзи ёзган маҳфий ҳаёти

Владимир Высоцкий қўшиқлари

Орлов шахри илмий тиббиёт жамиятига 140 йил

A.B. Казариновнинг шеърлардан иборат “Тенгкурлар” қиссасига расмлар альбоми

5.2.2.5 Белгиланган ахборот манбаида кўрсатилган асосий сарлавҳа билан мазмунан боғлиқ бўлган хронологик ва географик маълумотлар тавсифда асосий сарлавҳадан кейин берилади ва агар манбада ундан олдин бошқа белги бўлмаса вергул билан ажратилади:

Москва. Фотосуратлардаги реконструкция, 1850–2000

1000 улкан жанглар, XI – боши XX аср.

ёки:

Ижтимоий модернизация қаҳрамонлари (1921 – июнь 1941 й.)

... ларзага келтирган ўн йил, 1991–2001

5.2.2.6 Агар асосий сарлавҳа шахслар оти ёки ташкилотнинг номидан иборат бўлса ёки уларни ўз ичига олса, тавсифда у шу ҳолича берилади:

Тулуз-Лотрек

Екатерина Максимова. Владимир Васильев

Давлат Третьяков галереяси

“Ал. Пушкин чизган”

5.2.2.7 Агар берилган ахборот манбаъсида бир тилда бир қанча сарлавҳа берилган бўлса. Асосий сарлавҳа сифатида тавсифда қайси сарлавҳа полиграф усулида белгиланган бўлса, ўша сарлавҳа асосий сифатида берилади. Ушбу белги бўлмаса, кетма-кет берилган сарлавҳаларнинг биринчиси тавсифда асосий сарлавҳа сифатида берилади

5.2.2.7.1 Сарлавҳанинг тўлиқ ва қисқартирилган шакллари мавжуд ҳолда асосий сарлавҳани танлашда юқоридаги қоидага асосланилади. Қийин вазиятларда тўлиқ шакли танланади:

Ахборот манбаида:

СЯ

Савдо янгиликлари

Тавсифда:

СЯ

Актуал миллий маданий шарҳ

АММШ

Актуал миллий маданий шарҳ

5.2.2.7.2 Намунавий ва мавзувий сарлавҳа мавжуд ҳолда тавсифда полиграфик ажратилиши ва жойлашиш кетма-кетлигидан қатъий назар, асосий сифатида мавзувий сарлавҳа келтирилади:

Ахборот манбаида

Тавсифда::

Қадимги дунё тарихи

Қадимги дунё тарихи

АТЛАС

Энциклопедия

Teamr

Teamr

5.2.2.8 Агар белгиланган ахборот манбаида асосий сарлавҳа бўлмаса, у бошқа манбадан олиниши, бу эса изоҳда қайд қилиниши лозим. Агар бирор манба бўйича асосий сарлавҳани аниқлаб бўлмаса у айтиб ўтилади. Ҳар икки ҳолда ҳам сарлавҳа квадрат қавсга олинади.

Сарлавҳани ифодалашда қоидага кўра хужжатнинг тури, асар жанри, матннинг биринчи сўзлари ва ҳ.к.нинг ифодаланишидан фойдаланилади:

[Оилавий портрет]

(Сарлавҳа маълумотнома нашири бўйича аниқлангани ҳақида эслатиб ўтиши зарур)

[Романслар]

(Сарлавҳа ушибу тўпламни таҳлил этиши асосида белгиланди)

5.2.3 Материалнинг умумий белгиланиши.

5.2.3.1 Материалнинг умумий белгиланишини тавсиф обьектига тегишли бўлган материалнинг даражасини белгилайди.

5.2.3.2 Материалнинг умумий белгиланиши учун терминлар (рус ва инглиз тилларида тегишли эквиваленти билан) қуйидаги рўйхатда кўрсатилган:

видеоёзув (видеозапись, videorecording)

төвушли ёзув (звукозапись, sound recording)

графика (изоматериал, graphic)

карталар (карты, cartographic material)

комплект (комплект, kit)

кинофильм (кинофильм, motion picture)

микроформа (микрошакл, microform)

мультимедиа (мультимедиа, multimedia)

ноталар (ноты, music)

предмет (предмет, object)

кўлёзма (рукопись, manuscript)

матн (текст, text)

Брайль шрифти (ширифт Брайля, braille)

Электрон ресурси (электронный ресурс, electronic resource)

5.2.3.3 Юқорида келтирилган терминлардан бири танланади. Физик шаклда белгиланган материал афзалпроқ деб ҳисобланади. Масалан, агар хужжат микрошакл ёки электрон ресурс шаклида берилса материални умумий белгилаш сифатида унинг шакли кўрсатилади.

Библия сюжетлари [Электрон ресурс] : Эрмитаж коллекцияси

5.2.3.4 Материалнинг умумий белгиланиши асосий сарлавҳадан кейин оқ бош ҳарфлар билан библиографияловчи муассаса тилида ва (ёки) ёзувида квадрат қавсда берилади. Материални умумий белгиланишда сўзлар қисқартирилмайди.

Иконалар намуналари китоби [Графика]

Европа давлатлари [Каралар]

Ave Maria [Ноталар]

Компьютер анализи и геотасвиirlар синтези [Матн]

Emissia Offline га хатлар [Электрон ресурс]

5.2.3.5 Агар асар турли тоифадаги материалга тааллуқли бир неча ахборот ташувчидаги жойлашган бўлса, тавсиф обьекти асосида қабул қилинган материалнинг умумий белгиси берилади. Бошқа ташувчилар тўғрисидаги маълумотлар физик ҳрактеристикаси соҳасида ёки изоҳлар соҳасида кўрсатилиши мумкин.

Юридик маслаҳатчи [электрон ресурс] . . . – 1 электрон. Опт. Диск (CD-ROM) : товуши, ранг ; 12 см. + илова (32 б.) ...

лекин

Юридик маслаҳатчи [электрон ресурс] . . . – 1 электрон. Опт. Диск (CD-ROM) : товуши, ранг ; 12 см. . . . – Илова : Фойдаланвчи маълумотномаси Матн] / тузувчи В.А. Быков. 32 б.

5.2.3.6 Агар турли ахборот ташувчидаги бир хил обьектлар орасидан асосий обьектни танлаб бўлмаса, у ҳолда белгиланган номи [Мультимедиа] ёки [Комплект] кўрсатилади.

Шимолий Африка [Комплект]

(Ахборот турли ахборот ташувчиларда : магнит тасмасида, грампластинкада, диапозитив ва кичик рисолада тушунтириши матни шаклида жойлашган)

5.2.3.7 Умумий сарлавҳаси бўлмаган тўпламнинг умумий белгиланишини тавсифда келтириш 5.2.7.2.2 га қаралсин.

5.2.3.8 Аниқ ахборот массивида қўпчиликни ташкил этган материалнинг умумий белгиланиши тавсифда тушириб қолдирилиши мумкин.

5.2.4 Параллел сарлавҳа.

5.2.4.1 Параллел сарлавҳа асосий сарлавҳанинг бошқа тилдаги ёки бошқа ёзувдаги эквиваленти сифатида асосий сарлавҳа каби тавсифда бериш шакллари ва қоидаларига эга. Параллел сарлавҳа олдида тенглик (=) белгиси қўйилади.

Анализ ва геометриядан асарлар [Матн] = Proceedings on analysis and geometry

Lyrical miniatures [Товушили ёзув] = Lyrische Miniatur

Ўзбекистон уч мингйиллик чегарасида [Электрон ресурс] = Uzbekistan an der Schwelle zum dritten Jahrtausend

Ўзбекистоннинг экологик-гидрологик картаси [Карталар] = Ecological hidro-geological map of Uzbekistan

5.2.4.2 Асосий сарлавҳа (ёки унинг бошқа алифбо ҳарфларида ёзилгани ўрнига) белгиланган бошқа тилдаги ахборот манбаида жойлашган асл нусханинг сарлавҳаси параллел сарлавҳа сифатида келтирилиши мумкин.

5.2.4.3 Олинаётган ахборот манбаида бир неча параллел сарлавҳа мавжуд ҳолда улар манбада кўрсатилган изчилликда берилади ва бир-биридан тенглик белгиси билан ажратилади. Параллел сарлавҳалар сонини библиографияловчи муассаса белгилайди.

Ўзгарувчан дунёдаги қутубхоналар ва ассоциациялар: янги технологиялар ва ҳамкорликнинг янги шакллари [Матн] = Libraries and associations in the transient world: new technologies and new forms of cooperation = Бібліотеки та асоціації в світі, що змінюється: нові технології та нові форми співробітництва

Albumlapok [Ноталар] = Albumblätter = Album-leav

5.2.4.4 Олинаётган ахборот манбаида кўрсатилган, аммо сарлавҳа соҳасида ва жавобгарлик тўғрисида маълумотда ёки уларнинг мавжудлиги хақида маълумотда берилмаган параллел сарлавҳа изоҳларда қайд этилиши мумкин.

600 комбинация [Матн] = 600 combinations

(Изоҳда немис тилида ҳам параллел сарлавҳа борлиги қайд этилган)

5.2.4.5 Олинган манбадан бошқа жойда кўрсатилган параллел сарлавҳалар ёки улар ҳақидаги маълумотлар фақат изоҳда келтирилади ёки тушириб қолдирилади.

5.2.5 Сарлавҳага тегишли маълумотлар.

5.2.5.1 Сарлавҳага тегишли маълумотлар асосий сарлавҳани, жумладан, бошқа сарлавҳани очиб берувчи ва тушунтирувчи асар тури, жанри, мақсади тўғрисидаги

маълумотни, хужжат бошқа тилдан таржима қилинганлигига кўрсатма ва х.к. ахборотни ўз ичига олади.

5.2.5.2 Сарлавҳага тегишли маълумотлар олинаётган ахборот манбаида кўрсатилган шаклда ва кетма-кетликда ёки уларнинг полиграфик воситалар орқали ажратилишига кўра берилади.

5.2.5.3 Сарлавҳага тегишли маълумотдан олдин икки нуқта (:) белгиси кўйилади.

Уч апельсинга муҳаббат [Матн] : эртаклар, қиссалар, пародиялар

Информатика [Электрон ресурс] : Интернет-дарслик

Ленинград вилояти ва Санкт-Петербург [Карталар] : автомобиль йўлларининг батафсил карталари

Вена мусиқаси [Ноталар] : ёши пианистлар учун пьесалар

Таржима дунёси-2000 [Матн] = Introduction to interpreting : (иловада - оғзаки таржима қўнилмаларини тест орқали текшириши)

Satuni [Матн] = Шатуны : (roman)

5.2.5.4 Сарлавҳага тегишли ҳар бир бошқа-бошқа маълумот олдида ҳам икки нуқта кўйилади.

Нур бўлсин! [Графика] : христиан динининг 2000-йиллигига бағишиланган:repid. альбоми

Трио-соната № 2 [Ноталар] : до мин. : BWV 526 : орган учун

Famous faces in history. Culture, business and sport [Матн] : Британия ва АҚШнинг буюк инсонларининг портр. : инглиз тилида ўқиши китоб.

Энергия таъминоти билан шугулланувчи ташкилотлар гидротехника курилмалари ва гидротехника иншиотлари асбоб-усқуналарининг хизматида ҳавфсизлик қоидалари [Матн] : РД 153-34.0-03.205-2001 : Россия Федерацияси энергетика вазирлиги 13.04.01 тасдиқлаган : 01.11.01 дан амалга жорий этила бошлаган

Лист шактида эгадиган маҳсус машина ИО 217М [Матн] : каталог-варақа : Ишлаб чиқарувчи ва тайёрловчи Кемерово ш. электромонтаж.маҳсулотлари з-ди

Этник майдо миллатлар муаммолари [Матн] : ИТИ тўғрисида ҳисобот (хулоса) : 05-11

Олтин Ўрданинг XIII–XIV асрларда Русдаги диний сиёсати. [Матн] : тарих фанлари номзоди ... дис. : 07.00.02 : 22.01.02 да ҳимоя қилинган : 15.07.02 да тасдиқланган

5.2.5.5 Сарлавҳага тегишли бир хил маълумотлар ораси олинаётган ахборот манбаида мавжуд тиниш белгилари билан ажратилади. Манбада улар орасида белги бўлмаган ҳолда эса улар вергул билан ажратилади:

**Италия [Матн] : Рим – Милан – Венеция – Флоренция : йўл қўрсаткичи
Жаҳон танклари [Матн] : тавсифлар, характеристикалар, схемалар, фот. :
маълумотнома**

Москва вилояти [Карталар] : чўнтақ атласи : автомобилчига, пиёдага, туриста

Санкт-Петербург [Графика] : Петергоф, Царское Село, Павловск : Петербургнинг 300-йиллигига бағишиланади

5.2.5.6 Сарлавҳага тегишли маълумот билан мазмунан боғланган географик ва хронологик белгилар ҳақидаги маълумотлар 5.2.2.5 банди бўйича берилади:

**Император Александр III ва императрица Мария Фёдоровна [Матн] :
хатлар, 1884 – 1894 йй.**

Инсон ҳуқуқи – олий қадрият [Матн] : МДХ ва Балтия давлатларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши бўйича ташкилот раҳбарларининг «Давра сұхбати», Санкт-Петербург, 2000 й., 10 – 13 окт.

лекин:

**Ландшафт экологияси ва ердан фойдаланишини режалаштириш [Матн]
бутунrossия конференцияси маъruzалар тезислари (Иркутск, 2000 й., 11–12 сент.)**

5.2.5.7 Агар сарлавҳага тегишли маълумотда бошқа сарлавҳа бўлса, у ҳолда у ҳар доим бош ҳарф билан ёзилади ва ундаги сўзлар қисқартирилмайди. Бир сўздан иборат сарлавҳага тегишли маълумот ҳам қисқартирилмайди:

Йил фасллари [Ноталар] : Тўрт кайфият

Петр I хайкали [Графика]: (Мис чавандоз)

Оффшор дунёси. Яқиндан нигоҳ [Матн] : маълумотнома

5.2.5.8 Асосий сарлавҳани, асар жанри, ҳужжатнинг хили ва ҳ.к.ни очиб бериш ёки тушунтириб бериш учун зарур бўлган маълумотлар ҳужжатни таҳлил қилиш асосида ифодаланиши мумкин. Бу ҳолда улар квадрат қавс ичига олинади:

Олма гуллагандо [Ноталар] : Қўшиқда акс этган ҳаёт : [Е. Мартынов репертуаридан]

А. С. Пушкин. Икки аср ойнасида [Электрон ресурс] : [мультимедиа-энциклопедия]

Ёгочли Иркутск [Графика] : 14 фотосурат : [открыткалар комплекти]

Психоанализга кириши [Матн] : маъruzалар : [таржима]

5.2.5.9 Ҳужжатларнинг айрим хилларини тавсифлашда ҳужжатни ифодаловчи маълумот, агар у ёзув сарлавҳасида берилмаган бўлса мажбурий ҳисобланади:

Наширлар. Китобларнинг ҳалқаро стандарт рақами [Матн] : ГОСТ 7.53-200101

Сутли маҳсулотни олиши усули [Матн] : Рос. Федерацияси пат. 2180173: МПК7 A 23 C 21/02

5.2.6 Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар.

5.2.6.1 Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар тавсиф обьекти бўлган маънавий, бадиий ёки бошқа мазмундаги асарни яратишда иштирок этган шахс ёки ташкилот тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олади.

Агар иккинчи даражадаги маълумотлар моддий бирликлар йиғиндиси – гурухга тегишли бўлса, алоҳида моддий бирликлар тўғрисидаги маълумотлар кейинги даражада берилади.

6.1.2 Биринчи даражадан сўнг кейинги даражалар маълумотлари янги сатрдан ёки қаторасига ёзилади. Янги сатрдан ёзишда ҳар бир даражада маълумотларининг охирида нуқта қўйилади. Қаторасига ёзишда иккинчи ва кейинги даражалар маълумотларидан олдин нуқта ва тире қўйилади.

6.1.3 Алоҳида моддий (тартиб) бирликлар тўғрисида маълумотлар иикинчи ва кейинги даражаларда янги сатрдан ёки қаторасига ёзилади. Янги сатрдан ёзишда ҳар бир моддий (тартиб) бирлиги тўғрисидаги маълумот охирида нуқта қўйилади, қаторасига ёзишда – алоҳида бирликлар тўғрисидаги маълумотлар нуқта вергул билан ажратилади.

6.2 Кўп томли ҳужжатнинг библиографик тавсифи

6.2.1 Олдиндан белгиланган томлар сони (қисмлар)дан ташкил топган, мазмуни ва расмийлаштирилиши бўйича ягона яхлит нашр бўлган ҳужжатлар кўп томли ҳужжат сифатида

қаралади. Том деб кўп қисмли ҳужжат таркибига кириб, унинг томи, қисми, чиқиш сони, тўплами, альбом, дафтар ва ҳоказоларни билдирувчи алоҳида моддий бирлик тушунилади.

6.2.2 Кўп даражали тавсиф тузишда ҳамма даражадаги қисмлар соҳалар ва элементлар рўйхатига мувофиқ равишда 5.1. модда қоидаси бўйича, 5.2.-5.9 да баён қилинганидек ёзилади.

6.2.3 Биринчи даражадаги маълумотлар 6.2.4. да баён қилинган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, иккинчи ва кейинги даражаларда эса – 6.2.5. да баён қилинган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда берилади.

6.2.4 Кўп томли ҳужжатнинг кўп даражали тавсифи биринчи даражасида тавсиф қисмларининг берилиш хусусиятлари.

6.2.4.1 Кўп томли ҳужжатнинг умумий сарлавҳаси умумий сарлавҳа сифатида келтирилади.

6.2.4.1.1 Агар ҳужжатнинг биринчи томи сарлавҳаси қолган томларида берилган сарлавҳадан фарқ қиласа, у ҳолда кўпчилик томларига берилган сарлавҳа асосийсифатида берилади.

6.2.4.1.2 Агар кўп томли ҳужжат алоҳида қўйилган умумий сарлавҳага эга бўлмаса, ҳар бир томнинг сарлавҳаси доимий ва қисмда ўзгарадиган бўлса, у ҳолда доимий қисм сарлавҳаси асосий сарлавҳа сифатида келтирилади. Ўзгарувчан қисми иккинчи даражада берилади. Маълумотларнинг тушириб қолдирилиши кўп нуқта билан ифодаланади:

“Наука” нашиётининг чиқариладиган адабиётлар тўғрисидаги аннотацияланган мавзули режаси ... [Матн] / Россия ФА . – Москва. : Наука. – Муқовадаги сарл. : Наука.

... 2001 йилнинг иккинчи ярим йиллигига / [Сост. И.С.Власов]. – 2001. – 174, [2]б. – 5500 нусха- ISBN 5-02-022682-3.

6.2.4.2 Агар томлар турли ахборот ташувчиларда жойлашган бўлса, у ҳолда материални умумий белгилаш учун умумлаштирувчи [Мультимедиа] ёки [Комплект] атамаси қўлланилади (5.2.3.6.га қаралсин).

6.2.4.3 Сарлавҳага тегишли маълумотларда ҳужжат яратилишида кўзда тутилган томлар сони тўғрисидаги маълумотлар берилади:

20 аср рус ёзувчилари [Матн] : биографик лугат : 4 т.

Дуне атласи [Карталар] : 3 қи

Гитара ишқивози учун [Ноталар] : 5 альбомдан иборат ноталар тўплами

6.2.4.4 Агар барча томлар бир йилда босилган бўлса чиқиш маълумотлари соҳасида биринчи ва охирги томларнинг нашр йили тире билан бирлаштирилган ҳолда келтирилади:

. – *M. : DOKA, 1999–2001*

. – *СПб. : Симпозиум [ва бошк.], 2001.*

Кўп томли ҳужжатнинг тўлиқ бўлмаган нашрларининг библиографик тавсифини тузишда биринчи том нашрдан чиқсан йил ёзилиб, сўнгра тире қўйилади ва тўрт белги сиғадиган бўш жой қолдирилади:

. – *[Н.ж.] : Гриф, 2001–(Уфа)*

6.2.4.5 Кўп томли ҳужжатга тўлиқ тааллуқли илова ҳужжати хақида маълумот –

6.2.5.4. моддага қаралсин.

6.2.5 Кўп томли ҳужжатнинг кўп даражали тавсифидаги иккинчи ва кейинги даражаларида қисмларни беришнинг ўзига хос хусусиятлари.

6.2.5.1 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисида маълумотлар соҳасида, қоидага кўра, том рақами биринчи қисм ҳисобланади. Том белгиланганда у ҳужжатда кўрсатилган шаклда берилади. Тартиб рақами араб рақамида кўрсатилади:

17 нчи чиқши сони, 3 нчи қисм

B.15

Тўплам 2-А

14

K. 5/2

2001, № 2

6.2.5.2 Томнинг хусусий сарлавҳаси унинг асосий сарлавҳаси ҳисобланади. Томнинг тартиб рақами ҳам бўлса асосий сарлавҳадан олдин икки нуқта қўйилади:

2- нчи қисм : Реклама плакатлари, XX асрнинг 21 нчи ярми

T. 3, к. 3 : Бошқарув муаммолари

Агар томнинг асосий сарлавҳаси бўлмаса, у ҳолда тавсифнинг кейинги маълумоти ундан олдинги белги билан келтирилади:

T. 4 / Н. Н. Петров

6.2.5.3 Иккинчи ва кейинги даражалардаги маълумотлар қисқартирилган шаклда ёзилиши мумкин. Бунда том (томлар) сони ва том (томлар)нинг стандарт рақами (ISBN ёки

бошқалар)дан ташқари том (томлар) тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаммаси ёки бир қисми тушириб қолдирилади:

2 ичи чиқиши сони.- ISBN 5-85200-357-3

Томнинг бирин-кетин келадиган тартиб рақамлари тире билан бирлаштирилади:

T. 1-4

Tўплам 14, 16-18

6.2.5.4 Кўп томли нашрга тўлиқ тааллукли илова материали унга алоҳида нашр сифатида қаралади.

Илова материали тўғрисида маълумотлар охирги том тўғрисидаги маълумотдан кейин кўп даражали тавсифнинг иккинчи ва кейинги даражаларига қабул қилинган тавсиф тузиш қоидалари бўйича берилади.

6.2.6 Кўп томли ҳужжатга тўлиқ ёки ҳужжатлар гуруҳига бирдаражали библиографик тавсиф тузилиши мумкин (5 бўлимга қаралсин). Бу ҳолда ҳажми тўғрисидаги маълумот – ҳужжатнинг тартиб рақами сони мажбурий ҳисобланади:

Эртак ва афсоналар [Матн] : 2 т. : датчадан таржима /Ганс Кристиан Андерсен; расм Г.А.Трауготники. - Санкт-Петербург : Светлячок, 2000. - 2 т. ; 17 см. - ("Кутубхона" серияси). - 5000 нусха - ISBN 5-89735-019-1 (муқовада)

6.2.7 Кўп томли ҳужжатнинг алоҳида томига кўп томли ҳужжатнинг умумий сарлавҳаси остида ёки томнинг алоҳида сарлавҳаси остида кўп даражали ва шунингдек, бир даражали библиографик тавсиф тузиш мумкин.

6.2.7.1 Томнинг кўп томли ҳужжатнинг умумий сарлавҳаси остида тавсифи 6.2.4, 6.2.5 ёки 5.2-5.9 бўйича тузилади. Кейинги ҳолда кўп томли ҳужжатнинг умумий сарлавҳаси, том рақами ва унинг алоҳида сарлавҳаси (агар у бўлса) нуқта билан ажратилиб, асосий сарлавҳа сифатида берилади:

A.Н.Афанасьевнинг рус ҳалқ эртаклари [Матн] : 5 т. - Москва : Терра, 2000.-

*Т.4: Рус ҳалқ афсоналари.- 2000.- 316, [3] б. : расм. - Шу жумладан китобда :
Рус ҳалқ афсоналари / А.Н.Пыпин. А.Н.Афанасьевнинг хотираларидан. - ISBN 5-300-02821-5*

ёки

A.Н.Афанасьевнинг рус ҳалқ эртаклари [Матн] : 5 т

T. 4. Рус ҳалқ афсоналари. – М. : Терра, 2000. – 316, [3] б. : расм – Шу жумладан китобда : Рус ҳалқ афсоналари / А.Н.Пыпин. А.Н.Афанасьевнинг хотираларидан. - ISBN 5-300-02821-5

6.2.7.2 Томнинг алоҳида сарлавҳаси бўйича тавсифи 5.2-5.9 бўйича тузилади. Бу ҳолда томнинг алоҳида сарлавҳаси унинг асосий сарлавҳаси сифатида берилади. Кўп томли ҳужжат тўғрисидаги умумий маълумот сериялар соҳасида берилади:

T. 4. Рус ҳалқ афсоналари. – М. : Терра, 2000. – 316, [3] б. : расм – (А.Н.Афанасьевнинг рус ҳалқ эртаклари : 5 т. ; т. 4). – Шу жумладан китобда : Рус ҳалқ афсоналари / А.Н.Пыпин. А.Н.Афанасьевнинг хотираларидан. - ISBN 5-300-02821-5

6.3 Сериал ва бошқа давомли ресурсларнинг библиографик тавсифи

6.3.1 Асосий қоидалар

6.3.1.1 Давомийлиги олдиндан белгиланмаган давр мобайнида чиқадиган, бир хил сарлавҳада чиқиш сони санаси кўрсатилган газеталар, журналлар (шу жумладан электрон), сони ёки санаси кўрсатилган тўпламлар, бюллетенлар, сериялар, янгиланган ҳужжатлар ва ҳоказолар сериал ва бошқа давомли ресурслар сифатида қаралади. Кейинги ўринларда матнда бундай ҳужжатлар шартли равишда сериал деб юритилади.

6.3.1.2 Бир номда чиққан сериал ҳужжатга библиографик тавсиф тузилади. Сарлавҳа ўзгарганда ўзгарган сарлавҳали сериал ҳужжатга тавсиф тузилади.

Зарур ҳолларда ҳамма сонлари (чиқиш сонлари)га, жумладан, сарлавҳаси ўзgartирилганларига ҳам ягона йигма тавсиф тузилади.

6.3.1.3 Сериал ҳужжатларни тавсифлаш учун ҳужжатнинг мавжуд сонлари (чиқиш сонлари, томлари ва х.к.) библиографик маълумотлар манбаи бўлади. Кўшимча бошқа сонларидаги библиографик маълумотлардан ҳам фойдаланилади.

Зарур ҳолларда мавжуд биринчи сони бўйича тавсиф тузилади.

6.3.2 Сериал ҳужжат библиографик тавсифининг тузилиши.

6.3.2.1 Сериал ҳужжатнинг кўп даражали тавсифини тузишда ҳамма даражадаги тавсиф қисмлари 6.3.2.3. моддадаги соҳалар ва тавсиф қисмларининг рўйхатига мувофиқ ёзилади.

6.3.2.2 Биринчи даражада маълумотлари 6.3.3. моддада, иккинчи ва кейинги даражаларда 6.3.4-6.3.6 моддада баён қилинган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда берилади.

6.3.2.3 Сериал ҳужжат кўп даражали библиографик тавсифининг соҳалари ва элементлари рўйхати.

Биринчи даражада

Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар

Асосий сарлавҳа

	[]	Материалнинг умумий белгиланиши
*	=	Параллел сарлавҳа
*	:	Сарлавҳага тегишли маълумотлар
		Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар
	/	Дастлабки маълумотлар
*	;	Кейинги маълумотлар
Нашр соҳаси		Нашр тўғрисидаги маълумотлар
*	=	Нашр тўғрисидагиги параллел маълумотлар
		Нашрга тегишли жавобгарлик тўғрисида маълумотлар
	/	Дастлабки маълумотлар
*	;	Кейинги маълумотлар
*	,	Нашр тўғрисидаги қўшимча маълумотлар
Ўзига хос маълумотлар соҳаси		
Чиқиш маълумотлари соҳаси		Нашр қилиш, тарқатиш жойи
		Биринчи нашр қилинган жойи
*	;	Кейинги нашр қилинган жойи
*	:	Ношир, тарқатувчи ва ҳ.к.лар номи
	[]	Ношир, тарқатувчи ва шу к. ларнинг вазифаси тўғрисидаги маълумотлар
	,	Чиқиш, тарқатилиш ва шу.к. санаси
*	(Тайёрланган жойи
*	:	Тайёрловчининг номи
	,)	Тайёрланган санаси
Физик характеристикаси соҳаси		Материалнинг ўзига хос белгиланиши ва ҳажми
		Физик характеристикаси тўғрисидаги бошқа маълумотлар

	:	Ўлчамлари
		Илова материалы тўғрисидаги маълумотлар
	;	
*	+	
Серия соҳаси	(Серия ёки серия ости нашрнинг асосий сарлавҳаси
*	=	Серия ёки серия ости нашрнинг параллел сарлавҳаси
*	:	Серия ёки серия ости нашрининг сарлавҳасига тегишли маълумотлар
		Серия ёки серия ости нашрига тегишли жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар
	/	Дастлабки маълумотлар
*	;	Кейинги маълумотлар
,		Ушбу серия ёки серия ости нашрига бе-рилган сериал хужжатнинг ҳалқаро стандарт рақами (ISSN)
;)	Серия ёки серия ости нашрининг чиқиш сони
Изоҳлар соҳаси		
Стандарт рақами (ёки унинг муқобили) ва ундан фойдаланиш шартлари соҳаси		Сериал хужжатнинг ҳалқаро стандартрақами (ISSN) ва ундан фойдаланиш шартлари
	=	Асосий сарлавҳа
*	:	Фойдаланиш қулайлиги шартлари ва (ёки) нархи
	()	Соҳа элементларига қўшимча маълумотлар

Иккинчи ва кейинги даражалар

Асосий элементи, унинг кейинги бўлиниши (6.3.4.2 моддага қаралсин. Элементларнинг кейинги рўйхати 6.2.5 моддада келтирилган хусусиятларни ҳисобга олган холда 5.1 модда бўйича берилади).- Кўрсатмалар. Иловалар.

6.3.3 Сериал хужжат кўп даражали тавсифининг биринчи даражасида тавсиф элементларининг берилиши қоидалари.

6.3.3.1 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси.

6.3.3.1.1 Асосий сарлавҳа 6.3.3.1.2, 6.3.3.1.3 моддаларда келтирилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда 5.2.2 модда бўйича берилади.

6.3.3.1.2 Серия ости ёки бўлим сифатида мустақил нашр қилинган сериал ҳужжатнинг асосий сарлавҳаси:

а) “серия”, “бўлим” ва ҳ.к. сўзлари билан умумий сарлавҳага узвий боғланган серия остида чиққан барча нашр ва унга боғлиқ серия ости нашри сарлавҳаси учун умумий бўлган сарлавҳани ўз ичига олади. Умумий сарлавҳа унга боғлиқ сарлавҳадан нуқта билан, серия остида чиққан нашр сони ва (ёки) ифодаси, агар улар боғлиқ сарлавҳадан олдин келса вергул билан ажратилади. Агар серия сўзидан кейин унга граматик боғланмаган мавзувий сарлавҳа келса, у ҳолда “серия” сўзидан кейин икки нуқта қўйилади:

Россия Фанлар академисининг хабарлари. Геология серияси

МДУ тарих факультетининг тарихий асарлари. Серия 4, Библиографиялар

*Радиоэлектрониканинг долзарб муаммолари бўйича қўрсаткичлар. Серия
ВТ-МП, Микропроцессорлар*

Иваново давлат университетининг хабарномаси. «Химия, биология» серияси

Фан ва техника натижалари. : Автомобиль қурилиши серияси

б) умумий сарлавҳага боғлиқ бўлмаган ва полиграфик томондан ажратилган, аслида серия остида чиққан нашрнинг сарлавҳаси. Умумий сарлавҳа серия соҳасида қўрсатилади:

*БССТ (ВОЗ) нинг доридан қарамлик бўйича эксперт комитети ... (БССТ
(ВОЗ) нинг техникавиймаърузалар серияси)*

6.3.3.1.3 Агар асосий сарлавҳа турли чиқишлиарда ўзгарадиган сана ёки сонни ўз ичига олса, у ҳолда сарлавҳанинг бу қисми тушириб қолдирилади ва кўп нуқта билан алмаштирилади:

Муҳим меъерий актларнинг обзоридан

Саналар ва ракамлар иккинчи ва кейинги даражаларда, шунингдек, ракамлаш соҳасида берилади (6.3.3.3га қаралсин).

6.3.3.1.4 Материалнинг умумий ифодаси 5.2.3 модда бўйича берилади. Материални умумий ифодалаш учун атама танлашда сериал ҳужжат берилган моддий шаклни ифодалаш афзал ҳисобланади:

XX асрнинг архитектура энциклопедияси [Электрон ресурс]

(Электрон оптик дискдаги серияли тасвирий материалдан иборат ҳужжат)

6.3.3.1.5 Параллел сарлавҳа 5.2.4 модда бўйича берилади.

Умумий ва сарлавҳага боғлиқ бўлган сарлавҳадан тузилган параллел сарлавҳа асосий сарлавҳанинг ҳар икки қисмидан кейин берилади:

Иваново давлат университетининг хабарномаси. «Химия, биология» серияси : [Матн] = Herald of Ivanov State University. Series: «Chemistry, biology»

6.3.3.1.6 Сарлавҳага тегишли маълумотлар 5.2.5 модда бўйича берилади:

Икки аср [Матн] : XVIII–XIX асрларнинг рус тарихи бўйича журнали

Метаболизм [Матн] : йиллик шарҳ : факс бўйича ҳалқаро журнал

Московский комсомолец [Матн] : ҳафталик ижтимоий-сиёсий рӯзномаси

Emissia Offline га хатлар [Электрон ресурс] : электрон илмий-педагогик журн.

Бизнинг севимли қўшиқларимиз [Ноталар] : сўзлар, ноталар ва аккордлар : соло овоз партиясини жўрликда олиб бориш учун шартли ҳарф-рақамли белгилар

Волга [Матн] : Саратов ёЁзувчилари ташкилотининг ойлик адабий-бадиий журн. Корхона ҳисобчиси [Электрон ресурс] : КҲ : амалий журн.

6.3.3.1.7 Фақат умумий сарлавҳага ёки фақат унга боғлиқ сарлавҳага тегишли маълумотлар уларнинг ҳар биридан кейин берилади:

Электрон техникаси. Серия 4, Электровакуум ва и газсизлантириши ускуналари : илмий.-техн. тўплам

6.3.3.1.8 Агар сарлавҳага тегишли маълумотлар турли сонларида ўзгарувчи сана ёки тартиб сонларини ўз ичига олса, у ҳолда улар тушириб қолдирилади ва кўп нуқта билан алмаштирилади:

Кемасозлик [Матн] : аннотациялик библиографик кўрсаткич ...дан

Саналар ёки сонлар иккинчи (кейинги) даражаларда, шунингдек, рақамлаш соҳасида берилади (6.3.3.3 моддага қаралсин).

6.3.3.1.9 Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар 5.2.6 модда бўйича берилади:

Византия вақти тўплами [Матн] / Россия ФА Умумий тарих ин-ти.

Университет хабарномаси [Электрон ресурс] / Бошқарув давлат ун-ти

Банк хўқуқи [Матн] : Россиянинг юридик фанлар академияси қатнашувидағи илмий-амалий ва ахборот нашири / таъсисчи : “Юрист” нашириёт гурухи

Агар сериал ҳужжатнинг асосий сарлавҳаси серия остида чиққан ҳамма нашрлар учун умумий ва серия остида чиққан бир нашр учун хусусий сарлавҳадан ташкил топса, жавобгарлик тўғрисидаги маълумот тавсифнинг қайси элементига тегишли бўлса, шу элемент сарлавҳасидан кейин берилади:

Курилиш ва архитектура. Серия 9, Муҳандислик таъминоти : ахборот шарҳи / курилиш ва архитектура илмий ахбороти марказий ин-ти

6.3.3.2 Нашр соҳаси

Нашр соҳасидаги маълумотлар 5.3 модда бўйича берилади.

6.3.3.3 Ўзига хос маълумотлар соҳаси.

6.3.3.3.1 Сериал ҳужжатлар учун рақамлаш соҳаси ўзига хос маълумотлар соҳаси бўлади. Бу соҳада сериал ҳужжатнинг биринчи ва охирги чиқиши сонлари ва (ёки) унинг чиқа бошлаган ва чиқиши сони тўхтаган санаси тўғрисидаги маълумотлар берилади. Соҳада яна нашрнинг чиқиши сонидаги узилишлар, ўзгаришлар ва янгидан рақамлана бошлагани тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

Бир номда чиққан сериал ҳужжатнинг элементига тавсиф тузишда соҳада шу номда чиққан биринчи ва охирги сонлари ва (ёки) уларнинг чиқиши санаси берилади.

6.3.3.3.2 Тартиб сонлари соҳаси:

- чиқиши сони тўхтаган сериал ҳужжатни тавсифлашда биринчи ва охирги сонлари ва (ёки) ҳужжатнинг тире билан бирлаштирилган чиқа бошлаган ва тўхтаган саналарини;
- чиқиши сони давом этаётган сериал ҳужжатни тавсифлашда эса биринчи сони ва (ёки) унинг чиқиши санаси берилади, улардан кейин тире ва 4 ҳарф ўрнига бўш жой қолдирилган маълумотларни ўз ичига олади.

6.3.3.3.3 Сериал ҳужжатни рақамлаш усулига кўра соҳада ёзув сони (рақамли ва (ёки) ҳарфли ифодаси)дан ёки йили (хронологик ифодаси)дан бошланиши мумкин.

Рақамли ёки ҳарфли рақамлашда чиқиши сони ёки ифодаси берилади. Агар унинг босилган йили ҳам кўрсатилган бўлса, у думалоқ қавсда берилади:

№ 1 (2001)–

Агар биринчи ва охирги сонларининг нашр йили чиқиши маълумотлари соҳасида келтирилган йилга тўғри келса, у тушириб қолдирилади.

Хронологик рақамлашда олдин йили, кейин сони берилади. Йили ва сони араб рақами билан ифодаланади:

2001, № 1 А

2000, чиқиши сони. 1/2

Агарда сони асос солинган йил учун биринчи ва чиқиши сони тўхтатилган йил учун охирги бўлса, у тушириб қолдирилади.

6.3.3.3.4. Саналар қўйидагича: йили, йили ёки ойи, кун ва ойи тартибида берилади:

2001, март

2000, 14 февр.

6.3.3.3.5 Агар хужжатда рақамли ва ҳ.к. ҳамда хронологик белги кўрсатилган бўлса, у ҳолда рақамли ва ҳ.к. белги хронологик белгидан олдин берилади.

6.3.3.3.6 Тартиб рақамларида узилишлар бўлса, шунингдек, у қайтадан бошланганда ҳар икки рақам қатори ҳам келтирилади. Улар орасига нуқта-вергул қўйилади:

Чиқиши сони 1 (1990)–12 (1995) ; т.1 (1996)–5(2000)

T. 1 (1998)–3 (2000) ; сер. 2, т. 1 (2001)–

1930–1941 ; 1945–1956 ; 1999–

6.3.3.3.7 Ўзига хос маълумотлар соҳасида тақорорлашни талаб қиласидаган маълумотлар бўлса, дастлаб хужжатда мавжуд ахборотнинг табиатини тавсифловчи соҳа, кейин эса тартиб рақамлари соҳаси берилади. Бошқа маълумотларнинг ҳаммаси улар орасига жойлаштирилади. Масалан, картографик материалдан иборат сериал хужжатга тавсиф тузишда олдин математик асосининг соҳаси, кейин тартиб рақамлари соҳаси берилади:

. – 1 : 650 000. – 1981–2001

Агарда картографик материалдан иборат сериал хужжат яна электрон ресурс ҳам бўлса, у ҳолда ўзига хос маълумотлар соҳасидан биринчисида картографик материалнинг математик асоси ҳақидаги маълумотлар, иккинчисида - электрон ресурснинг тури ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар, учинчисида тартиб сонлар соҳаси маълумотлари берилади:

. - Scale Varies.- Electronic map. data. - Sheet 1 -

6.3.3.4 Чиқиши маълумотлари соҳаси 5.5 модда бўйича берилади.

Чиқиши маълумотлари соҳасидаги элементлар қўйида баён қилинган хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда кўрсатилади.

6.3.3.4.1 Ноширнинг юридик манзили кўрсатилган шаҳар ёки бошқа аҳоли турар жойи, бу маълумотлар бўлмаган ҳолда эса – сериал хужжатни чиқарган таҳририят (ташкилот) нинг ўрни нашр қилиниш, тарқатилиш жойи ҳисобланади.

6.3.3.4.2 Агар хужжатнинг чиқиш сони давом этаётган бўлса, унга умумий тавсиф тузишда биринчи сонининг нашр йили берилиб, тире қўйилади, ундан кейин тўрт оралиқ жой қолдирилади:

Долгопрудный : МФТИ, 1998-

6.3.3.4.3 Чиқиш сони тўхтатилган хужжатга тавсиф тузишда биринчи ва охирги сонларининг чиқиш йиллари тире билан бирлаштирилган ҳолда берилади:

Челябинск : Жанубий Урал китоб нашириёти, 1998–2001

6.3.3.4.4 Сериал ҳужжатнинг элементини тавсифлашда тавсифга киритилган биринчи ва охирги сонларининг нашр йиллари тире билан бирлаштирилган ҳолда берилади.

6.3.3.5 Физик характеристикаси соҳаси 5.6. модда бўйича берилади.

Хажми, расмлари ва ўлчамлари тўғрисидаги маълумотлар сериал ҳужжатни ташкил этувчи ҳамма ёки кўпроқ моддий бирликлар учун бирдек бўлса берилади.

6.3.3.6 Сериялар соҳаси 5.7. модда бўйича берилади.

Серия соҳасида таркибиغا ушбу ҳужжатнинг ҳамма чиққан сонлари ёки чиққан сонлари гурухи киравчи сериал ҳужжат тўғрисидаги маълумот берилади. Агар сериал ҳужжат икки ёки ундан кўп ҳужжатлар таркибига кирса соҳа такрорланади.

6.3.3.7 Изоҳлар соҳаси 5.8. модда бўйича берилади.

Изоҳлар соҳасида сериал ҳужжат тарихи тўғрисидаги, тавсиф соҳалари ва элементларига тааллуқли маълумотлар, сериал ҳужжатнинг бошқа соҳаларида акс эттирилмаган тузилмавий ва бошқа ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар берилади.

6.3.3.7.1 Изоҳлар соҳасида маълумотлар белгиланган тартибда берилади. Агар чиқиш даврийлиги тўғрисидаги маълумот сарлавҳага тааллуқли маълумотлар таркибиغا кирмаса, олдин шу маълумот кўрсатилади. Кейин ҳужжатнинг тарихи ҳақидаги - умуман сериал ҳужжатнинг яратилиш санаси; бошқа ҳужжатлар билан алоқаси тўғрисидаги; чиқиш сонидаги узилишлар, унинг яна чиқа бошлиши, тўхтатилиши тўғрисида изоҳлар берилади. Сўнгра тавсифда соҳалар ва элементларнинг берилиш кетма-кетлигига мувофиқ алоҳида соҳалар ва элементларга изоҳлар: бошқа изоҳлар: матн тили, чиқиш маълумотлари ва ҳ.к. тўғрисидаги; бошқа тиллардаги параллел нашрларнинг борлиги тўғрисидаги; сериал ҳужжатнинг тузилиши ва бошқа ўзига хос хусусиятлари ва ҳ.к. тўғрисидаги изоҳлар жойлаштирилади.

6.3.3.7.2 Сериал ҳужжатнинг чиқиш даврида алоҳида элементларининг ўзгариши тўғрисидаги изоҳлар алоҳида ажратилиши ва охирда берилиши мумкин.

6.3.3.8 Стандарт рақами (ёки унинг муқобили) ва фойдаланиш қоидалари соҳаси.

Стандарт рақами соҳасида тавсиф объектларига уларнинг турига мувофиқ берилган стандарт рақамлари: сериал нашрнинг халқаро стандарт рақами (ISSN), электрон ресурснинг давлат рўйхати рақами, ёки ҳужжатнинг маълум турига белгиланган тартибда берилган бошқа стандарт рақами келтирилади.

6.3.3.8.1 Сериал ҳужжатнинг унга боғлиқ сарлавҳали серия остида чиққан нашри тавсифида стандарт рақами соҳаси тақороланиши мумкин. Сериянинг халқаро стандарт рақамини ўз ичига олган соҳа биринчи бўлиб берилади.

6.3.3.8.2 ISSN ёки унинг муқобили серияли ҳужжатда кўрсатилган шаклда берилади:

ISSN 0201-9930

6.3.3.8.3. Асосий сарлавҳалар 5.9.5. модда бўйича берилади:

ISSN 1562-4145 = Индикатор

6.3.3.8.4 Сериал ҳужжат алоҳида моддий бирлигининг нархи ёки фойдаланиш қоидалари сериал ҳужжатнинг барча ёки кўпгина сонлари учун доимий бўлса шу соҳада берилади. Агар алоҳида сонининг нархи ва қайсиdir давр учун сонлари тўпламининг нархи бўлса, у ҳолда ҳар иккиси берилади. Нархи тўғрисидаги ҳар бир маълумотдан олдин икки нукта қўйилади.

6.3.3.8.5 Соҳанинг элементларига қавс ичида қўшимча маълумотлар (муқоваси тўғрисидаги маълумотлар, стандарт рақамига аниқликлар ва х.к.) берилиши мумкин.

6.3.4 Сериал ҳужжатнинг кўп даражали тавсифидаги иккинчи ва кейинги даражаларда элементларни бериш қоидалари.

6.3.4.1 Иккинчи ва кейинги даражалар сериал ҳужжатни ташкил этувчи ҳар бир алоҳида сони, чиқиш сони, томи ва х.к моддий бирликлар, жумладан, унинг кўрсаткичи ва иловаларига тааллукли библиографик ахборотни акс эттиради.

6.3.4.2 Иккинчи ва кейинги даражаларда келтирилган барча маълумотлар ихтиёрийдир. Иккинчи ва кейинги даражаларда бериладиган элементларни тавсиф тузувчи муассаса белгилайди. Иккинчи ва кейинги даражаларда бериладиган маълумотларнинг энг қисқача шакли асосий тартиб бирликларини кўрсатиш ҳисобланади.

Маълумотларни бериш кетма-кетлиги асосий тартиб бирликлари (йилма-йил ёзилган рақамлашда – йил, ёппасига рақамлашда томи, чиқиш сони, сони, шунингдек, материал нашрига киритилган йилини белгилайди. Асосий тартиб бирлик ўта майда маълумотлар (тому сонларидан ва х.к) дан ташкил топиши мумкин.

6.3.4.3 Кўрсатма ва иловалар тўғрисида маълумотлар иккинчи ва кейинги даражалар тавсифи охирида берилади.

Зарур ҳолларда кўрсатмалар ва иловалар тўғрисида маълумотлар уларнинг чиқиш йиллари кетма-кетлигига асосий тартиб бирликлари рўйхатида берилади.

6.3.4.4 Иккинчи ва кейинги даражадаги тавсифларда 6.1.2., 6.1.3. моддаларга мувофик ажратиш белгилари фойдаланилади.

6.3.4.5 Том, чиқиш сони, ой номи ва ҳ.к.лар қисқартирилган, масалан, “ж”, “чиқ.”, “янв.” каби шаклларда берилади.

Тартиб сонлари ва йиллар араб рақамларида берилади.

T. 1, № 3

2001, 2 чиқ. сони, № 1–4

2001, сент.

2000, № 1–12, указ.

2000, 2 рақамланмаган чиқши сони (ноябр., дек.)

6.3.4.6 Библиографик тавсиф элементлари сонларга (чиқиш сонлари, томи)га тааллукли бўлса 6.2.5 моддага биноан берилади.

Материалнинг умумий ифодаси, агар у кўп даражали тавсифнинг биринчи қисмида кўрсатилгандан фарқ қилса, берилади.

Чиқ. сони 2. – 2000. – 1 электрон. опт. диск (CD-ROM) : товушили., ранг ...

*Чиқши сони 15 : Ахборотни рақамли ўтказиши самарадорлигини ошириши
[Матн] / Москва давлат сервис ун-ти ; Шелухина О. И. таҳрири остида – 2001. –
160 б. : расм – Библиогр. мақолалар охирида.*

6.3.5 Сериал ҳужжат кўп даражали тавсифининг иккинчи ва кейинги даражаларида тавсифга кирувчи алоҳида элементларни беришнинг ўзига хос хусусиятлари.

6.3.5.1 Қоғозли журналлар, газеталар, даврли бюллетенлар ва ноанъанавий ахборот ташувчилар тавсифида ўта майда бўлинма (том, чиқиш сони ва ҳ.к.)дан иборат асосий тартиб бирлиги, ҳажми, ўлчами, нусхаси ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар ҳар бир сонига эмас, балки умумий асосий тартиб бирлигига берилади.

T. 2, чиқ. сони 1–6. – 2002. – 155 б. – 500 нусха

6.3.5.2 Рақамланган сериал ҳужжат тавсифининг иккинчи ва кейинги даражаларида чиқиш санаси йили бўйича кўрсатилмайди:

2001, № 1–12. – 1380 - 1420 нусха.

2000, № 1 (2012)–15/16 (2026/2027). –25 790 экз.

6.3.6. Кўрсатмалар ва иловалар тўғрисида маълумотларни беришнинг ўзига хос хусусиятлари.

6.3.6.1 Сериал хужжатга берилган кўрсатмалар, иловалар, махсус сонлар ва ҳ.к. ёрдамчи материаллар тўғрисидаги маълумотлар иккинчи ва кейинги даражалар тавсифидан кейин янги сатрдан ёки саралаб ёзилади. Саралаб ёзишда ундан олдин нуқта тире қўйилади. Олдин кўрсатмалар тўғрисидаги, сўнгра – иловалар (жумладан, сериал хужжатнинг алоҳида сонларига турли илова материаллари) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

6.3.6.2 Кўрсатмалар тўғрисидаги маълумотлар куйидагicha: асосий тартиб бирликларига кўрсатмалар, бир неча йил учун кўрсатмалар таркибида берилади.

Иловалар тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги: даврий иловалар, нодаврий иловалар тартибида берилади.

Ёзув тегишли сўзлар: “Кўрсаткич”, “Махсус №”, “Илова” ва ҳ.к. дан бошланади.

Махсус чиқ. сони : Мұхандислик тадқиқотлар. – 2001

2000 й. махсус чиқ. сони : Янги йил ва Рождествога гоялар

6.3.6.3 Асосий тартиб бирлигига кўрсатмалар, шунингдек, мустақил сарлавҳаси бўлмаган ва алоҳида рақамланмаган даврий иловалар тўғрисидаги маълумотлар умумлашган шаклда берилади.

Хар бир томга кўрсаткич

Хар бир сонига илова

6.3.7 Умуман тугалланган сериал хужжатга ёки маълум давр учун сериал хужжатнинг сонлари (чиқиши сони) гурухига бир даражали библиографик тавсиф тузилиши мумкин (5 бўлимга қаралсин).

Муваффақият : хафталик рўзнома / таъсисчи : ООО «С-инфо». – 1998, янв.– 2000. – Москва, 2000. – 24 полосалар. – 2000, №14-да тамомланган.

6.3.8 Иккidan кўп даражадан иборат кўп даражали библиографик тавсифнинг ўзига хос хусусиятлари.

6.3.8.1 Иккidan ортиқ даражага эга бўлган сериал остида чиқсан нашри, бўлими, қисмлари ва ҳ.к.ларга бўлинадиган сериал хужжатга кўп даражали библиографик тавсиф тузилади.

Тавсифнинг биринчи даражасида сериал хужжатни умуний тавсифловчи маълумотлар берилади.

Иккинчи даражада ҳар бир моддий бирлик гурухига тааллуқли – ҳар бир серия остида чиққан нашр ва ҳ.к.лар тўғрисидаги умумий маълумотлар берилади.

Кейинги даражаларда алоҳида моддий бирликлар – тавсиф объекти бўладиган ҳар бир серия остида чиққан нашрнинг сонлари ёки чиқиш сони тўғрисидаги маълумотлар берилади.

6.3.8.2 Тавсифнинг биринчи ва кейинги даражаларида библиографик маълумотлар умумий қоида бўйича берилади:

Воронеж давлат университетининг хабарномаси / Россиянинг таълим вазирлиги. – 1993– . – Воронеж, 2000. – ISSN 0234-5439.

Серия «Олий таълим муаммолари». – 2000– .

2000, № 1. – 250 нусха

Серия «Физика, математика». – 2000– .

2000, № 1. – 250 нусха

Серия «Химия. Биология». – 2000– .

2000, № 1–2. – 250 нусха

Серия 4, География ва геоэкология. – 2000– .

2000, № 1. – 250 нусха

7 Аналитик библиографик тавсиф

7.1 Асосий қоидалар.

7.1.1 Хужжатни идентификациялаш ва қидириш учун зарур бўлган хужжат тўғрисидаги маълумот жойлашган хужжатнинг таркибий қисми аналитик библиографик тавсифнинг обьекти ҳисобланади.

Таркибий қисмларга:

- мустақил асар;
- асарнинг мустақил сарлавҳага эга қисми;
- асарнинг мустақил сарлавҳага эга бўлмаган, лекин библиографик идентификациялаш мақсадида ажратиб қўрсатилган қисми киради.

7.1.2 Таркибий қисмдан иборат бўлган хужжат асарнинг идентификацияловчиси ҳисобланади ва нашр идентификатори деб номланади.

7.1.3 Мустақил ҳужжат сифатида босилган таркибий қисмга (масалан, сериал нашрдан мақоланинг алоҳида нусхаси) бир даражали библиографик тавсиф тузилади (5 бўлимга қаралсин).

7.1.4 Ҳужжатнинг таркибий қисми тўғрисидаги маълумотлар мақолани идентификацияловчи ҳужжатнинг библиографик тавсифи мазмуни тўғрисида изоҳларда ҳам берилиши мумкин.

7.1.5 Ҳужжатнинг таркибий қисми тўғрисида тўлиқ библиографик маълумотлар талаб қилинган ҳолларда аналитик библиографик тавсиф тузилади.

7.1.6 Аналитик библиографик ёзув тузишда ҳужжатнинг таркибий қисмлари, шунингдек, идентификацияланувчи ҳужжат учун сарлавҳадан фойдаланиш тўғрисида қарорни библиографияловчи муассаса қабул қиласи. Қоидага мувофиқ идентификацияловчи ҳужжат ёзувига ном берилмайди.

7.1.7 Аналитик библиографик тавсиф аналитик библиографик ёзувнинг асосий элементи бўлиб, у ўз ичига:

- а) таркибий қисмни идентификацияловчи маълумотлар;
- б) бирлаштирувчи элемент;
- в) идентификацияланувчи ҳужжат тўғрисидаги маълумотни;
- г) ҳужжатда таркибий қисмнинг жойи тўғрисидаги маълумотни;
- д) изоҳларни олади.

7.1.8 Аналитик библиографик тавсиф тузишда ахборот манбалари 4.8.моддага мувофиқ фойдаланилади.

Агарда таркибий қисмнинг биринчи, охирги ва бошқа сахифалари (вараклари, бетлари ва ҳ.к.) таркибий қисмнинг сарлавҳаси, унинг муаллифи, ҳужжатни яратишида, босишида, унинг таркибий қисмини тайёрлашда иштирок этган бошқа шахслар ва (ёки) ташкилотлар тўғрисида маълумотга эга бўлса; колонтиулнинг таркибий қисмига тегишли; идентификацияланувчи ҳужжатнинг мундарижаси (мазмуни) ҳужжатнинг таркибий қисми тўғрисида маълумотга эга бўлса; ёпиширилган ёрлиқлар, қўшимча иловалар ва бошқа илова ҳужжатлари бўлса улар ҳужжатнинг таркибий қисми тўғрисида ахборот манбаи бўла олади.

Идентификацияланувчи ҳужжат учун ахборот манбаи – 4.8. модда бўйича бўлади.

7.1.9 Аналитик библиографик тавсиф идентификацияланадиган ҳужжат чиқсан ёки шунга ўшашиб маълумотлар тилида ёки ҳужжат нашр қилинган давлатнинг расмий тилида берилади. Матнли ҳужжатнинг таркибий қисми тўғрисидаги маълумотлар таркибий қисм матни-

нинг тилида келтирилиши мумкин, бу ҳолда таркибий қисм библиографик тавсифининг ва идентификацияланадиган хужжатнинг тиллари бир-бирига тўғри келмаслиги мумкин.

7.1.10 Аналитик библиографик тавсиф белгиланган кетма-кетликда берилган соҳалар ва элементлардан ташкил топади (5.1. моддага қаралсин). Таркибий қисм жойлашган хужжат тўғрисидаги маълумотдан олдин бириктирувчи белги: ҳар икки томондан бўш жой қолдирган ҳолда икки қия чизик (//) қўлланилади. Агар таркибий қисм жойлашган хужжат тўғрисидаги маълумот алоҳида босма ҳарф билан ажратилган ёки сатр бошидан берилган бўлса икки қия чизик берилмаслиги ҳам мумкин. Бу ҳолда моддий ўзаро боғланишни ифодаловчи атама: “B:”, “In:Z” ва x.клар қўлланилиши мумкин.

Аналитик библиографик тавсиф схемаси

Хужжатнинг таркибий қисми тўғрисидаги маълумотлар //Идентификацияланувчи хужжат тўғрисидаги маълумот. – Хужжатда таркибий қисмнинг жойлашган ўрни тўғрисида маълумот.-Изоҳлар.

7.1.11 Аналитик библиографик тавсифда библиографик тавсиф соҳалари орасидаги нуқта тире (. -) нуқта билан алмаштирилиши мумкин:

*Маркетинг бозор бошқаруви концепцияси сифатида [Матн] / Е. П. Голубков
// Маркетинг Россия ва чет элда. - 2001. - № 1. - Б. 89-104. - Библиогр.: 8 ном.*

ёки

*Маркетинг бозор бошқаруви концепцияси сифатида [Матн] /
Е. П. Голубков // Маркетинг Россия ва чет элда. - 2001. № 1. Б. 89-104. Библиогр.:
8 ном.*

7.2 Хужжатнинг таркибий қисми тўғрисида маълумотлар

Хужжатнинг таркибий қисми тўғрисида маълумотлар 5 бўлимга мувофиқ ҳолда келтирилади.

7.2.1 таркибий қисм сарлавҳаси содда ёки мураккаб бўлиб,

а) бир неча гапдан;

б) агар таркибий қисм бир неча қисмлардан ташкил топса таркибий қисмнинг умумий сарлавҳаси ва таркибий қисмлардан бирининг бўйсунувчи сарлавҳасидан ташкил топади. Бу ҳолда дастлаб асосий қисмнинг умумий сарлавҳаси, сўнгра унинг таркибий қисми сарлавҳаси берилади. Агар таркибий қисми умумий сарлавҳага эга бўлмаса 5.2.7.2. моддага асосланилади:

“Маҳфий” грифи остидаги ҳужжатлар. Россия. XX аср

XIX аср рус адабиёти тарихи бўйича изланишилар. 1. Е. А. Баратынский эпиграммасининг хати. 2. Ф. И. Тючевнинг уч шейрий хати. 3. П. П. Ериов биографиясига

The relationship between maternal nutrition, breast milk, growth and development of infants. Pt. 1. Pregnant mothers and newborns

*Игорь Глебовни “Рус мусиқасидаги рус шеърияти” муаллифлиги;
А. В. Мезьерерни “Лугат кўрсаткичидаги...” бир инскрипти тўгрисида*

(Бир муаллифнинг икки асари)

7.2.1.1 Таркибий қисмнинг асосий сарлавҳасида сўзлар ва сўз бирикмалари қисқартирилмайди (4.10.1. моддага қаралсин).

7.2.1.2 Ҳужжатнинг сарлавҳага эга бўлмаган парчасини тавсифлашда бу парчанинг асосий сарлавҳаси ҳужжатни таҳлил қилиш асосида ифодаланади ва квадрат қавсда берилади (5.2.2.8. моддага қаралсин):

[Кундалик дафтардан парчалар]

[Севастополь шаҳрининг карта-схемаси]

7.2.1.3 Турли ахборот манбаларида берилган таркибий қисмларни турлича ўқишида асосий ахборот манбаида кўрсатилган таркибий қисм сарлавҳаси муҳим деб топилади. Сарлавҳанинг турлича ўқилиши изоҳ соҳасида изоҳлаб кетилади.

7.2.2 Таркибий қисмтнинг материалини умумий белгиланиши 5.2.3. модда бўйича берилади:

Dinne, alcun la non vedesti? [Sound recording]

Canadian-owned paper industries [Cartographic material]

7.2.3 Таркибий қисмнинг параллел сарлавҳаси 5.2.4. модда бўйича берилади:

Конфликтлар : сиесий- ҳукуқий томонлари [Матн] = Conflicts: political and law aspects.

Guitar Hits [Ноты] = Гитара хитлари

7.2.4 Таркибий қисм сарлавҳасига тегишли маълумотлар 5.2.5. модда бўйича берилади:

ИМЕКОнинг XVI-нчи Ҳалқаро конгресси [Матн]: [Ўлчовлар бўйича ҳалқаро конференция, Вена, 2000 сент.]

Щука хоҳииши бўйича [Электрон ресурс] : [рус ҳалқ эртаги]

Ўжар шамол [Ноталар] : «Зўрайиб борувчи булутлар» : [«Икки шимолий пейзажлар» циклидан]

Москва ш. транспорти [Карталар] : шаҳар транспорти тўхтайдиган уй ва бекатлар билан : 2002 й. : Ахборот Моссаҳартранс билан келишилган

7.2.5 Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар 5.2.6. модда бўйича берилади:

Ироди эркинлиги ҳақида [Матн] / Вильгельм Виндельбанд ; немисчадан Г. Сонина тарж. ; изоҳлар М. А. Ходановичники

Ҳаёт бошида [Матн] : (Хотира варақлари) / С. Я. Маршак ; матни ва изоҳларни Е. Б. Скороселова ва С. С. Чулковлар тайёрлаган

Денгиз сувидаги плутоний феългаторига бактерияларни таъсири [Матн] / В. В. Громов, М. М. Доманов, И. Б. Попов

Кеч бўлмагунча [Ноталар] / А. Н. Паҳмутова ; қўйша хор учун қайта ишилган. Я. И. Дубравина Н. Добронравов сўзлари

«Смоленск йўллари бўйлаоб...» [Товуши ёзув] / Булат Окуджав сўзлари ва мусиқаси

7.2.5.1 Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда тўрт ва ундан ортиқ шахслар ва (ёки) ташкилотлар тўғрисида ахборот берилганда 5.2.6.9. моддага амал қилинади.

7.2.5.2 Агарда хужжат таркибий қисмининг жавобгарлик тўғрисидаги маълумоти библиографик тавсиф сарлавҳаси билан бир хил бўлса, у ҳолда аналитик библиографик тавсифда улар тушириб қолдирилиши мумкин:

Мальцева, Л. Л. Илмий тафаккурнинг гуманизацияси [Матн] : гносеологик ва методологик аспектлари / Л. Л. Мальцева

ёки

Илмий тафаккурнинг гуманизацияси [Матн] : гносеологик ва методологик аспектлари / Л. Л. Мальцева

7.2.6 Агар қайта нашри ҳақидаги маълумот умуман хужжатга тўлиқ тааллуқли бўлмай бевосита таркибий қисмга тааллуқли бўлсагина таркибий қисм тавсифига киритилади:

Хотиралар [Матн] / О. А. Пржецлавский. – [2-нчи нашр]

7.3 Идентификацияланадиган хужжат тўғрисида маълумот

7.3.1 Таркибий қисм жойлашган хужжатнинг библиографик тавсифи унинг хилига боғлиқ ва у 5 ва 6 бўлимларга мувофиқ берилади.

7.3.2 Агарда идентификацияланаётган ҳужжатнинг асосий сарлавҳаси мавзули бўлса, у ҳолда унданаги сўзлар ва сўз бирималари қисқартирилмайди. Ўта узун сарлавҳа унинг бир қисми тушириб қолдирилиб қисқартирилиши мумкин, бу ҳолда тушириб қолдирилган қисм кўп нуқта билан ифодаланади:

// Эволюцион эпистемология ва ижтимоий фанлар логикаси

// 1984 йилда ВВР-М ЛИЯФ реактор ида бажарилган асосий экспериментлар натижалари...

(Ахборот манбаида : Нейтрон изланишлари лабораторияси ходимлари қатнашувида 1984 йил ВВР-М ЛИЯФ реактор и ва бошқа ускуналарда бажарилган асосий экспериментлар натижалари...

7.3.3 Индентификацияланаётган ҳужжатнинг асосий сарлавҳаси қуидаги ҳолларда қисқартирилиши мумкин:

а) кўп томли ёки давомли ҳужжатнинг сарлавҳаси бир хил бўлса:

Тўла асарлар тўплами

Танланган асарлар

Биология фанлари архиви

Россия ФА хабарномаси

б) вақтли ҳужжат (журнал ёки газета)нинг сарлавҳаси:

Библиогр. ёзувлар

Адабий Россия

7.3.4 Материалнинг умумий ифодаланиши, одатда идентификацияланаётган ҳужжат тўғрисидаги маълумотда тушириб қолдирилади ва у таркибий қисм материалининг умумий ифодаланишидан фарқ қилган ҳолдагина берилади.

7.3.5 Сарлавҳага тегишли маълумот тушунарсиз ифодалангандан сарлавҳани аниқлашда ёки мавжуд ўхшаш сарлавҳалар ичидан бир хил сарлавҳали ҳужжатни идентификациялаш зарур бўлган ҳоллардагина берилади. Бошқа ҳолларда сарлавҳага тегишли маълумот тушириб қолдирилиши мумкин.

7.3.6 Идентификацияланаётган ҳужжатни тавсифлашда жавобгарлик тўғрисидаги биринчи маълумот келтирилиши шарт. Жавобгарлик тўғрисидаги кейинги маълумотлар ҳужжатни идентификациялаш учун зарур бўлган ҳолларда берилиши мумкин:

*Шоирнинг жоду сехри [Матн]: [кириши макола] / М.М.Михайлованики
//Параллеллар: шоира прозаси / Зинаида Гиппиус*

*Кишиштоф Мигонь асари ва унинг умумий китобшунослик назарияси бўйича
адабиётлардаги ўрни [Матн] / Е. Л. Немировский // Китоб тўғрисида фан :
муаммошунослик шарҳи / К. Мигонь ; полякчадан О. Р. Медведева [ва бошқ.] тарж.
– Москва, 1991. – Б. 3–24.*

7.3.7 Қайта нашр қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар идентификацияланадиган ҳужжат тавсифига киритилиши лозим. Ушбу нашрга тааллукли нашрнинг такрорланиши тўғрисидаги параллел маълумотлар, сарлавҳага тегишли маълумотлар ва нашр тўғрисидаги қўшимча маълумотлар тушириб қолдирилиши мумкин:

*Замонавий ахборот ўтказиш системалари [Матн] / П. В. Рогожин // Комп’ютер саводхонлиги : мақолалар тўплами / тузувчи П. А. Павлов. – 2-нчи нашр –
Москва, 2001. – Б. 68–99.*

*XX асрдаги Farb цивилизацияси [Матн] / Н. В. Шишова [ва бошқ.] // Тарих ва
маданиятишунослик : талабалар учун дарслик. – тўлдирилган ва қайта ишиланган
2-нчи нашр. – Москва, 2000. – Боб 13. – Б. 347–366.*

7.3.8 Ўзига хос маълумотлар соҳаси элементлари (картографик, нота, сериял ҳужжатлар, электрон ресурслар учун), одатда, таркибий қисмдаги шундай маълумотлардан фарқ қилса, идентификацияланадиган ҳужжат тавсифига киритилади.

7.3.9 Чиқиши маълумотлари соҳасида, қоидага кўра, ҳужжатнинг нашр жойи ва йили, тарқатилиши ва (ёки) тайёрланиши 5.5. модда бўйича берилади. Аналитик библиографик тавсифда, одатда ношири, тайёрловчи ва тарқатувчи тўғрисида маълумот тушириб қолдирилади. Бироқ, зарур ҳолларда (турли ноширлар томонидан чиқарилган бир хил сарлавҳали ҳужжатларни идентификациялаш учун) ношири, тайёрловчи ва тарқатувчи тўғрисидаги маълумотлар берилиши мумкин:

*Маданият фалсафаси ва трансцендентал гоявийлик [Матн] / В. Виндель-
банд ; таққослаш-тарж. М. И. Левинани // Танланган : Онг ва тарих : немичадан
тарж. – Москва, 1995. – Б. 7–19.*

*1720 нчи йилларда Васильевск оролини ривожлантириши босқичлари [Матн] /
С. В. Семенцов // Петров даври шаҳсларда. – СПб. : Давлат Эрмитажи нашириёти,
1998. –Б. 42–49.*

7.3.10 Агар таркибий қисм босилган ҳужжат вақтли нашр (журнал ёки газета) бўлса, у ҳолда унинг нашрлари кўрсатилмайди, ҳужжатни идентификациялаш учун бу зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно:

// Кутубхонашунослик. – 2001. – № 1. – Б. 19–26

// Квант электроникаси – Киев, 1987. – Чиқиши сони 32. – Б. 3–13

// Квант электроникаси. – Москва, 1987. – Т. 14, № 7. – Б. 512–516

7.3.11 Аналитик библиографик тавсифда идентификацияланаётган ҳужжатнинг ҳажми тўғрисида маълумот берилмайди.

7.3.12 Серия соҳаси ҳужжатни идентификациялаш учун зарур бўлмаса, у тушириб қолдирилади.

7.3.13 Идентификацияланаётган ҳужжатда халқаро стандарт рақами мавжуд ҳолда, қоидага кўра тавсифда кўрсатилади.

Асосий сарлавҳа ва фойдаланиш қоидалари тушириб қолдирилади:

A stylometric study of Aristotle's Metaphysics [Text] / Anthony Kenny // Bull. / Assoc. for Lit. and Ling. Computing. –1979. – Vol. 7, № 1. – P. 12–20. – ISSN 0305-9855.

A Stylometric study of Aristotle's Metapysics [Text] /Antony Kenny //Bull. /Assoc. for Lit.and Ling.Comhuting.-1997.-Vol.7,N1.-P.12-20.-ISSN,0305-9855

7.4 Идентификацияланаётган ҳужжатда таркибий қисмнинг жойлашган ўрни тўғрисида маълумот

7.4.1 Таркибий қисмнинг босилган ўрни, одатда “...дан гача” шаклида бошдан охиргача қўйилган рақамлаш билан ифодаланади. Рақамлар олдидан “бет” сўзи қисқартирилган ҳолда (“Б.”) чиқиши тилида ёки унга ўхшаш маълумот библиографияловчи муассаса тилида берилади; Биринчи ва охирги сахифа рақами ўртасида тире (-) белгиси қўйилади. Агар элемент рақамланмаган сахифада босилган бўлса, унинг рақами квадрат қавс ичига олинади:

B. 17–28

P. 18–30

S. 12– 31

C. [1–8]

7.4.1.1 Сахифалар ҳужжатда қандай рақамлаш қўлланилганига мувофиқ, араб ёки рим рақами билан кўрсатилади. Агар рақамлаш бир неча бўлса, улар бир-биридан вергул билан ажратилади:

Б. I-XXXVI, 1-12

7.4.1.2 Агарда саҳифаларнинг тартиб рақамини кўрсатиш зарур бўлса у думалоқ қавс ичида берилади. Тўплам ёки сериал нашрдаги бўлимни кўрсатишда у ҳам саҳифалашдан кейин қавс ичида келтирилади:

Б.. 3–35 (2-ки паг.)

Б. 358–360 (Хроника)

Б. 18– 45 (2 Бўлим)

Б. 354–387 (Илова.)

Б. 4–6 (Илова : Англия)

7.5 Идентификацияланаётган ҳужжатларнинг айрим хилларини тавсифлашнинг ўзига хослиги

7.5.1 Агар таркибий қисм кўп томли ҳужжатнинг томи, чиқиши сонида босилган бўлса, идентификацияланаётган ҳужжатнинг соҳалари ва элементлари 6.2. модда бўйича берилади, алоҳида кетма-кетлик ўрнатилган қўйидаги тавсиф элементлари бундан мустасно: нашр (тарқатилиш) жойи; нашр (тарқатилиш) вақти; томи, чиқиши сони, рақами (ж., чиқ. сони, №) ва унинг тартиб сони; том, чиқиши сони, сонининг хусусий сарлавҳаси (факультатив элемент тушириб қолдирилиши мумкин); таркибий қисм жойлашган саҳифалари:

A. М. Ловягин китоб тарихчиси сифатида [Матн] / И. Е. Баренбаум // XIX - XX асрларнинг иккинчи ярмида Россияда китоб иши : илмий асарлар тўплами / Россия миллий қутубхонаси. – СПб., 2000. – Чиқиши сони 10. – Б. 208–219

7.5.1.1 Агар том ўта майда бўлинмаларни ўз ичига олса, у ҳолда улар вергул орқали берилади. Том ёки чиқиши сонининг иккиланган сони қия чизик билан берилади:

T.17, чиқиши сони 2

Vol.18, № 1

№ 3/4

7.5.1.2 Том ёки чиқиши сонининг хусусий сарлавҳаси тавсифда икки нуқтадан кейин берилади:

**Антик фалсафасининг генезиси, табиати ва тараққиёти [Матн] //
Бошланиши ва бугунги кунга қадар Farb фалсафаси / Джованни Реале, Дарио
Антисери ; итальянчадан С. Мальцева тарж. – СПб., 1994. – [Чиқиши сони 1 :
Антик даври, боб 1. – Б. 3–15.**

7.5.2 Агар таркибий қисм сериал хужжатнинг сони ёки чиқиш сонида босилган бўлса, идентификацияланаётган хужжат соҳалари ва элементлари 6.3 модда бўйича берилади, қуйидаги алоҳида кетма-кетлик белгиланган тавсиф элементлари бундан мустасно: нашр (тарқатилиш) вақти, том чиқиш сони, сони ва унинг тартиб рақами (журналлар учун); ойи ва санаси (газеталар ва 1 ҳафтада 1 мартадан кам чиқмайдиган бошқа хужжатлар учун); том, чиқиш сони, сонининг хусусий сарлавҳаси (факультатив элемент, тушириб қолдирилиши мумкин); таркибий қисм жойлашган сахифалар (саккиз ва ундан кам сахифали ҳажмдаги газеталардан ташқари):

Мос келмаслик : (Шарқ ҳақида мақолачалар) [Матн] / Б. Раушенбах // Шарқ, коллекцияси. – 1999. – № 1/3. – Б. 34–49.

